O'ZBEKISTON
RES...
MILLIY ...

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, **13** ноябрь, жума **№ 46** (2329). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **13** ноября, **2009** год, **№ 46** (2329). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ АНИҚ БИР КАСБ БЎЛИБ, УНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ КУН САЙИН ЮКСАЛАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС. БУГУН ЁШЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА БУ КАСБГА НИСБАТАН ҚИЗИҚИШ ОРТИБ БОРМОҚДА. ЧУНКИ ЁШЛАРИМИЗ ВАТАНИНИ СЕВАДИ, УЛАРНИНГ ҚАЛБИДА ЭЛУ ЮРТГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИ ЖЎШ УРИБ ТУРИБДИ.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизга менинг Европа Иттифоқи комиссияси президенти лавозимига қайта сайланганим муносабати билан йўллаган самимий табригингиз учун миннатдорлик изҳор этаман.

Ҳозир Европа учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам улкан имкониятлар даври, фуқароларимиз биздан барча учун фаровон, хавфсиз ва ишончли келажак барпо этишни кутаётган давр. Айни пайтда ҳали олдимизда глобал инқирозлан чиқишдан то иқлим ўзгаришига қарши курашишгача бўлган муҳим вазифалар турибди.

Ишончим комилки, агар биз ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиб, куч ва ҳаракатларимизни самарали ишга солсак, яқин йилларда келгуси ўн йилликлардаги ютуқларимизни шакллантириш йўлини белгилашга муваффақ бўламиз.


Бой анъаналар ва Европа билан кўп асрлик алоқаларга эга бўлган Ўзбекистон Европа Иттифоқининг муҳим ҳамкоридир. Европа Иттифоқи комиссиясига раҳбарлик қилиш ишониб топширилгани менга қувонч ва шараф бағишлайди. Мен Ўзбекистон билан янада яқин муносабатларнинг ривожланишига умид қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу истакларимни изҳор этаман.

Самимий табригингиз учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Эҳтиром ила,

Жозе Мануэль БАРРОЗО,
Европа Иттифоқи комиссияси президенти.



Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ суратга олган.

Ўғлонларинг тинчликка қалқон, Ватан!

ЎЗБЕКИСТОН – НОРВЕГИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 11 ноябрь куни Ўзбекистон ва Норвегия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон-Норвегия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, солиқ, божхона, банк-молия, консалтинг хизмати, авиаташув, кимё, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концерилари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Шавкат Тўлаганов, Норвегия Қироллиги Ташқи ишлар вазирлигининг МДҲ мамлакатлари департаменти бош директорининг ўринбосари Бард Свендсен давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Норвегиялик ишбилармонлар мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари, юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, банк-молия тизими, нефть-газ соҳаси ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, шунингдек, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган қулай сармоявий муҳит ва имкониятлар билан атрофлича таништирилди.

– Ўзбекистон – улкан иқтисодий имкониятларга эга мамлакат, – дейди Бард Свендсен. – Юртимизда хорижий сармоядорлар билан иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит хорижлик ишбилармонларнинг қизиқишини тобора оширмоқда. Бу келгусида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигимиз янада кенгайишига хизмат қилади. Мақсадимиз ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли кўплаб лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон ва Норвегиянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробар ортди.

Форумда Ўзбекистон ва Норвегиянинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Норвегия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда иштирок этган Норвегиянинг ўнга яқин йирик компанияси вакиллари ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш истагини билдирди.

– Компаниямиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сайёҳлик, савдо, саноат соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш, консалтинг хизмати кўрсатиш билан шуғулланади, – дейди "Innovation Norway" давлат агентлигининг катта маслаҳатчиси Йохан Бьёркеволл. – Мамлакатларимиз йирик қўшма сармоявий лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш борасида улкан имкониятларга эга. Биз, айниқса, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни, кимё, энергетика, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Норвегия делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

«ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Маълумки, "Маънавият" нашриёти томонидан 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига юборилган мингдаб мактуб ва номалар ҳамда уларга давлатимиз раҳбари йўллаган жавоблардан танлаб олинган айрим намуналар "Президентга мактублар" деган ном билан алоҳида китоб шаклида нашр қилинган эди.

Яқинда ана шу китобнинг иккинчи жилди чоп этилди. Янги нашрдан 2005–2009 йиллар давомида Юртбошимиз номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбобларидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

Шу йилнинг 6 ноябрь куни Ўзбекистон Миллий университетида ушбу китобнинг тақдимотига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли маданият, адабиёт ва маънавият намояндалари, пойтахтимиздаги бир қатор олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тақдимот маросимида Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов, фалсафа фанлари доктори, профессор А.Очилдиев, филология фанлари доктори, профессор С. Ғаниева, филология фанлари номзоди О. Мадаев, Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 300-иқтидорли ва қобилиятли болалар мактаби ўқитувчиси М. Қурбонова, Республика болалар психоневрология шифохонаси бош шифокори ўринбосари Ф. Ҳамроев, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Л. Абдуллаева, Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти А. Ҳакимов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Тадбирда "Президентга мактублар" китоби Ўзбекистон Президентининг юксак масъулияти, серқирра фаолияти ҳақида китобхонлар тасаввурини янада кенгайтириб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёти, қувончу ташвишларига оид энг долзарб масалалар юзасидан ватандошларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлар ҳақида янги маълумотлар беришга, ёшларимизни ватанпарварлик, истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши таъкидланди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов иштирок этди.

(ЎзА).



2 ИХ НАГРАДИЛА РОДИНА

СПЛАВ НАУКИ И ОТВАГИ



5 МАҲОРАТ

ПРОФЕССИОНАЛЛИК ДОВОНЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИБ



23 СПОРТ

БУ САФАР 24 ТА МЕДАЛЬ ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ



24 МАДАНИЯТ

«ҚИЗАЛОҚ» БОЛАЖОНЛАР ҲУЗУРИДА

ЖАРАЁН

Битирув тантанаси

ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

Бугунги посбон нафақат жисмонан бақувват ва жанговар билимларни пухта ўзлаштирган, балки маънан етук, интеллектуал салоҳияти юксак, замонавий техника ва технология воситаларидан моҳирона фойдалана оладиган, етакчилик қобилияти билан ажралиб турадиган бўлиши керак. Уларда бундай сифатларни шакллантириш учун эса албатта, таълим-тарбия ишларининг мукаммал асосда йўлга қўйилган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Юртимиз олий ҳарбий билим юртларида ташкил этилган «Офицер кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш» факультетлари ҳамда «Штаб офицерларини тайёрлаш олий курси» ҳарбий хизматчилар қалбида ватанпарварлик, мардлик, садоқат туйғуларини шакллантириш, шунингдек, соҳа илмини чуқур эгаллашларини таъминлашдек устувор мақсадларга хизмат қилмоқда.

Куни кеча Қуролли Кучлар Академиясида штаб офицерларини тайёрлаш олий курсини тамомлаган навбатдаги битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонларини топшириш муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Уни Қуролли Кучлар Академияси бошлиғи генерал-майор Ф.Усмонов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

– Мана, бугун навбатдаги битирув тантанаси гувоҳи бўлаяпмиз. Сиз битирувчи офицерларнинг бу ерда олган билим ва малакангизни хизмат фаолиятингизга татбиқ этиб, халқимизнинг, давлатимиз раҳбариятининг билдирган ишончини тўла оқлашингизга, халқимиз осойишталигини кўз қорачиғидек асрашингизга тилакдошман. Оқ йўл сизга, азиз битирувчилар, – деди жумладан у.

Шундан сўнг Мудофаа вазирининг тегишли буйруғига мувофиқ битирувчиларга диплом ҳамда кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

Тадбирда иштирок этган Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор Б.Ташматов мазкур шодиёна муносабати билан битирувчиларни қизғин қутлар экан, уларнинг билим ва малакаси билан бирга зиммасидаги масъулият ҳисси ҳам ошганини таъкидлаб, ҳар бирининг бундан буён ҳам илғор, ислоҳотлар жараёнида фаол бўлишини, хизматда ва ҳаётда ҳамиша улкан ютуқларга эришиб юришини тилади.

Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига мувофиқ, бир қатор илғор битирувчи офицерларга эсдалик нишонлар топширилди.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан офицер Раҳматжон Тошматов «олган билим ва кўникмаларимизни юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида сарф этамиз», дея таъкидлади.

Ҳа, шарафли касбни танлаган офицерларимизнинг ўз ваъдалари устидан чиқишларига ишонамиз. Чунки тинчлик ва барқарорлигимизни асраш йўлида фидойиликни касб этган бу мардлар истиқлолимиз жонкуярлари, осойишталикка камарбаста азаматлардир. Эртага уларнинг хизматни ўташ жойларига етиб бориб, жанговар сафларни янада мустаҳкамлаши ўз навбатида осойишталигимизнинг янада ишончлироқ кафолатланишига хизмат қилади.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.



Их наградила Родина

СПЛАВ НАУКИ И ОТВАГИ



И в бою, и в мирное время воинским подразделениям нередко приходится преодолевать различные естественные препятствия и искусственные заграждения, проводить разнообразные мероприятия по инженерному обеспечению общевойскового боя. И хотя выполнение большинства из этих задач является обязанностью частей и подразделений всех родов войск, наиболее сложные инженерные мероприятия возлагаются на подразделения инженерных войск, специально для этого подготовленные.

В Самаркандском ВВАКИУ курсант Азамат Ходжаев за четыре года учебы в полной мере освоил, что офицеру инженерных войск необходимо не только безупречно знать возможности своего вооружения и военной техники, но и воспитывать у подчиненного личного состава предельную внимательность и собранность, находчивость и смекалку.

Сразу после успешного окончания в 2002 году военного училища молодой лейтенант А. Ходжаев начал на практике применять полученные знания и навыки, проводя в полевых условиях практические занятия по ведению инженерной разведки, подготовки путей для движения и маневра подразделений, «заминированию» и «разминированию» заданных участков местности, извлечению взрывоопасных предметов. Ведь успешное выполнение стоящих перед инженерными подразделениями задач в решающей степени зависит от уровня их профессиональной подготовки, сознательности личного состава, умелого использования им инженерной техники, а главное – неуклонного стремления к выполнению поставленной задачи, несмотря ни на какие трудности.

Сегодня ему доверена более высокая должность, и он отвечает за организацию инженерной службы части. А накануне восемнадцатой годовщины Независимости Республики Узбекистан за большие заслуги в повышении боевой и политической подготовки, обеспечении спокойствия нашего народа, а также проявленное мужество, отвагу и самоотверженность при выполнении служебного долга Азамат Ходжаев Указом Президента Республики Узбекистан награжден медалью «Содик хизматлари учун».

За этой высокой наградой огромный труд и высокий уровень профессиональной подготовки самого капитана А. Ходжаева. А еще и труд командиров и наставников, много вложивших в становление молодого офицера.

– Эта награда, – сказал Азамат Азимович, – показатель огромного внимания, которое уделяет наше государство дальнейшему развитию и совершенствованию инженерных войск. Еще во времена Амира Тимура наши великие предки отличались мастерством в наведении переправ, строительстве крепостей и инженерном обеспечении боя. Про наши войска говорят – сплав науки и отваги, и это их лучшая характеристика, соответствовать которой – цель каждого военнослужащего, гордящегося службой в прославленных инженерно-саперных подразделениях.

Владимир КАЛОШИН.
Фото Аблая КАМАЛОВА.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА СЕРГАКЛИК

Тошкент ва Нукусда бўлиб ўтган «ICTExpo-2009» ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) халқаро кўргазмаси XXI аср бошланиши ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланишидан дарак бераётганини яна бир бор тасдиқлади. Бунинг натижаси сифатида ахборот хавфсизлиги масалалари янада муҳим аҳамият касб этмоқда. «Ахборот хавфсизлиги» ибораси пайдо бўлганига кўп бўлмаган бўлса-да, у бизнинг луғатимиздан мустаҳкам ўрин олди ва биз кўп ҳолларда бўлгани каби, ушбу иборага анча ўрганиб қолдик ва унга бўлган эътиборимизни сусайтира бошладик.

Аммо ҳаёт, АКТнинг жадал ривожланиб бориши, дунёда юзага келган вазият унга умуман бошқача муносабатда бўлишни талаб қилмоқда, зеро глобаллашув шароитларида ягона ахборот макони шаклланмоқда, ахборотнинг ўзи эса инсоният учун муҳим манбага айланмоқда.

Ахборот хавфсизлиги – миллий хавфсизликнинг муҳим бўғини. Бу жуда кенг маъноли тушунча. Биз уни бирон-бир давлат, давлатлар коалицияси ёхуд фирмалар, гуруҳлар, марказлар ёки бошқа тузилмалар томонидан бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршилик, баъзан эса очиқ таҳдид, тажовузкорлик, ахборот, босма, электрон ва бошқа турдаги адоватли кўринишларнинг олдини олиш, уларни камайтириш ва йўқ қилишга йўналтирилган бир-бирига ўзаро боғлиқ сиёсий, иқтисодий, дипломатик, ахборот-технологик ва ҳарбий чоралар тизими сифатида тушунамиз.

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизда, иқтисодиётнинг барча соҳаларида, фан, маданият, таълим, давлат бошқаруви органлари фаолиятида мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган, давлат ва аҳолининг, давлат тузилмалари ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлик даражасини ошириб бораётган АКТнинг ҳозирги ривожланиш даврида **бизга ахборот ҳимоясининг мунтазам ҳаракатда бўлувчи, самарали тизими жуда зарур.** Бу тизим бозор шароитларида тижорий тузилмаларнинг рақобатдошлигини ошириши, бошқарув органларининг барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлаши лозим.

Гап нафақат антивирус ҳимояси, электрон почтани турли номаъқул нарсалардан ҳимоя қилиш, Интернет тармоқлари билан ишлашда «ота-оналар назорати» ҳақида, балки аввало давлат, тижорий ташкилотлар манфаатлари, мижозлар ҳақидаги шахсий маълумотлар ва ахборотга ишлов бериш, уни сақлаш ва узатиш борасидаги технологик жараёнларни ишончли ҳимоя қилувчи **эксклюзив технологиялар** ҳақида бормоқда.

Яна бўлиб ўтган кўргазмага мурожаат қиламиз. У янгиликларга бой бўлди. Янгиликлар бор жойда эса албатта, ютуқ ҳам бўлади. Баъзиларнинг ютуғи – бу янгиликлар ҳақида имкон қадар кўпроқ билишга бўлган табиий истак бўлса, бошқаларнинг ютуғи – кимдандир ёки нимадандир ушбу ютуқнинг сирини тортиб олиш, билиб олиш ёки кўриб олишдир. Гап инновациялар (янгиликлар) жамият ҳаётининг барча жабҳалари учун характерли эканлиги ва биз илғорликни таъминлаш учун сир сақлашни ўрганишимизнинг муҳимлиги ва энг асосийси, замонавий инновацион технологияларнинг кенг татбиқ этилишига эришишимиз кераклиги ҳақида бормоқда. Ушбу технологиялар иқтисодиётимиз барча тармоқларининг юксалишига ва Ўзбекистонимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини таъминловчи янги марраларга чиқишига туртки бўлади.

Аммо айтиш мумкинки, бу ишнинг техник томони. Ва у мамлакатимизда муваффақиятли ҳал этилмоқда, буни бўлиб ўтган кўргазма ҳам тасдиқлаб берди. Бу ерда гап бошқа нарса ҳақида бормоқда.

Ахборот хавфсизлиги ҳақида гапирганда муҳим бир масалани – **кишиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда бизга ёт бўлган ғоя ва ахлоқнинг ҳар қандай кўринишларига, биз учун номақбул бўлган «демократик» стандартлар ва бошқа ғояларни тиқиштиришларга нисбатан ғоявий барқарорликни шакллантириш, ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси даражасини ошириш, кишилар, айниқса ҳарбий хизматчилар онгида мамлакат тақдири, унинг мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун масъулиятни кучайтиришни унутмаслигимиз керак.**

Ғоявий барқарорликни шакллантириш ўз-ўзидан бўлмайди, унга ҳозирги давр шароитларида барча давлат тузилмалари, маънавий-маърифий ва жамоатчилик ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш ва жипслаштиришни талаб қилувчи, ҳар томонлама чуқур ўйланган тарбиявий ишлар орқали эришилади. Қуролли Кучларда барча даражадаги командирлар, тарбиявий ишлар органлари, барча офицер ва сержантлар давлатимиз раҳбарининг – **«янада сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлиш ва ўз вақтида тегишли хулосаларни чиқариш»** ҳақидаги кўрсатмаларини ёдда тутган ҳолда унга ўз кундалик фаолиятларининг муҳим бўғинларидан бири сифатида қарашлари лозим.

Бунинг учун нималарга алоҳида эътибор қаратиш керак?

Аввало барчамиз **тарбиянинг муваффақияти бутунлай тарбиячининг тайёргарлигига,** унинг билими, услубий маҳорати, қатъий ишончига боғлиқлигини чуқур англаб олишимиз зарур. Қўл остимиздагиларни техника ва қуролларни билиш, тактик масалаларни ҳал қилиш, билим ва сўз ишончга ҳамда ҳаракат қилиш учун ундовга айланиши учун ҳар бир машғулот, ҳар бир тарбиявий тадбир ижодий ишга айланиши, унда тарбиячи – офицер, сержант ва унинг тингловчиси бир бутунга айланиши ҳамда келажакка интилиши лозим. Бунга эса тарбиячининг машаққатли меҳнати, ақл ва ҳиссиёт уйғунлигидаги саъй-ҳаракатлари билан эришилади.

Шу сабабли, бизнинг вазифамиз **фақатгина ишнинг ахборот томони билан чегараланмасдан, унга ўз қалбимиз, ҳиссиётларимиз ва қатъий ишончимизни бағишлашимиз лозим.**

Иккинчидан, биз кишиларнинг онги ва қалби учун кураш алоҳида аҳамият касб этаётган, **фактлар билан асосланган материал, эришган ютуқларимизнинг ҳаққонийлиги, ҳаёт ҳақиқати** тарбиячининг энг муҳим қуролига айланган даврда яшаяпмиз.

Шунинг учун ҳам бу борада олиб бораётган ишларимиз муваффақияти мустақиллик йиллари мобайнида эришган ютуқларимизнинг улканлигини доимо тарғиб қилиш ва тушунтиришсиз мумкин эмаслигини, уларнинг асосини эса давлатимиз раҳбарининг Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантаналардаги табрик сўзи ва нутқида белгилаб берилган вазифалар, хулосалар ташкил этиши лозимлигини чуқур англаб олишимиз керак. Бунда **ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарлари** ва ижтимоий-сиёсий машғулотлар ўтказувчи офицерларнинг роли жуда муҳимдир. **Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳи раҳбари – ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ва ҳарбий тарбияда муҳим шахс ва уларнинг тайёргарлигига энг жиддий эътибор қаратилиши зарур.** Ёркин ва турли услубий усулларга эга бўлган энг яхши раҳбарлар нафақат мавзунинг чуқур ўзлаштирилишига, балки ижтимоий-сиёсий машғулотларнинг юқори таъсирчанлигига, уларнинг ҳарбий хизматчиларнинг шахс сифатида, касбий ва маънавий-ахлоқий шаклланишига катта таъсир кўрсатишига эришаётганликлари амалиётда исботланган.

Учинчидан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«ҳеч қачон қўлга киритган ютуқлардан бошимиз айланиб, оёғимиз ердан узилмаслиги керак».** Бундан ташқари, биз ҳар қандай ғоявий таҳдидларга ғоявий ва маънавий жиҳатдан доим тайёр бўлишимиз лозим. Демак, тарбиявий ишлар органлари офицерлари, маърифат тарқатувчи кадрларимиз, аниқроғи, барча офицер ва сержантларимиз ютуқларимизни кўролмайдиган ғаламисларнинг маккорона ниятлари ва мақсадларидан яхши хабардор бўлишлари, улар ўз аҳмоқона ғоялари, ёлғонлари, бузиб кўрсатилган фактларни бизга қандай шаклда ва қайси йўллар, каналлар орқали олиб киришга ҳаракат қилишларини олдиндан кўра билишлари лозим.

Бизга ёт бўлган ғоя ва ахлоқ кўринишлари кириб келиши усуллари ичида радио ва телевизион тарғибот, Интернет, босма ва қўлёзма нашрларни тарқатиш кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин ва уларга албатта, алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўзимиз ҳам нималарни эшиттираётганлигимиз ва нималарни кўрсатаётганимиз ҳақида тез-тез ўйлаб кўришимиз керак.

Тўртинчидан, бутун тарбиявий ишлар мажмуини ва аввало маънавий-ахлоқий ва ҳарбий тарбияни долзарблаштириш, унинг мазмун-моҳияти таъсирчанлигини кучайтириш зарур. Бу икки асосий йўналиш бўйича амалга оширилиши керак. Биринчидан, ҳарбий хизматдаги мавжуд муҳим, ҳаётий зарур мавзуларни долзарб ғоявий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий муаммолар мажмуи билан тўлдириб бориш ҳисобига. Иккинчидан, бутун ўқув-тарбия жараёни мазмунини долзарб масалаларга уйғунлаштириш ҳисобига. Бу мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллигига бағишланган Мурожаатида аниқ таърифлаб берилган кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантаналардаги табрик сўзи ва нутқида баён этилган хулоса ва таклифлари асосида олиб борилиши лозим. Бунда албатта, дунё ва минтақада юзага келган ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазият ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Бу ишни офицер, сержант ва аскарларимизни ҳозирги шароитларда аҳамияти чексиз ошиб бораётган юксак огоҳлик ва сергаклик руҳида тарбиялашдан ажратиб бўлмайди. Сергаклик нафақат жанговар навбатчиликни ўтаётган ёки постда турганларга, балки бутун кундалик ҳаёт давомида зарур. Сергак бўлмоқлик онгли ёки онгсиз равишда ўзгалар овози билан «куйлаётган», турли миш-миш, иғволар тарқатаётганларни қатъий фош қилиш демакдир. Бунда алоҳида сергаклик – «шунчаки» айтилган ибора ортида душманнинг ғоявий иғвоси турганини кўра билиш маҳорати керак.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, замонавий шароитларда **«ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш талаб этилади».** Бугун шахсий таркибнинг ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги, тарбиявий ишнинг барча шакл ва услубларининг роли ва аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ошиб бормоқда. Шу сабабли командирлар, тарбиявий ишлар бўйича уларнинг ўринбосарлари, барча офицер ва сержантлар эътиборини ҳар бир тадбир – суҳбат, маъруза, тематик кеча, семинар ёки конференция – пухта, ҳар томонлама чуқур ўйланган, қизиқарли тарзда тайёрланиши лозимлиги мақсадга мувофиқ.

Буларнинг барчаси ҳарбий кадрлардан юксак маънавийлик, чуқур назарий билимлар, услубий маҳорат, баҳс-мунозара олиб бориш ва ишонтира олиш маҳоратини талаб қилади. Бақириқ, дўқ-пўписа билан эмас, далиллар, исботлар, эришган юксак муваффақиятларимиз борасидаги аниқ фактлар, мустақиллик ғоялари ва ўз мустақил Ватанига чексиз муҳаббат билан ишонтириш лозим. Ғоявий қуролланганлик, қатъийлик, мустақиллик ишининг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига бўлган ишонч, Ватан, халқ ва Президентга содиқлик – булар мустақиллик ғояларига чексиз содиқ бўлган, қадрдон Ватаннинг муқаддас сарҳадлари ҳимоясида ҳушёр ва сергак турган ватанпарвар аскарни шакллантиришда ахборот хавфсизлиги вазифаларини ҳал этишдаги муваффақиятимизнинг энг муҳим таркибий қисмларидир.

А. ХЛИЗОВ.

МАВСУМ

РЕЖАДАГИ ВАЗИФАЛАР АДО ЭТИЛДИ

Маълумки, қисм ва бўлинмаларда қурол-яроғ ва техникаларни қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишлари кўтаринки суръатда олиб борилиб, режадаги вазифалар адо этилди.

Алоқачилар қисмида ҳам режага мувофиқ ишлар олиб борилиб, назарда тутилган барча вазифалар муваффақиятли бажарилди. Қисмда ҳарбий хизматчилар билан бир қатор машғулотлар олиб борилди. Машғулотлар давомида қурол-яроғ ва техникани об-ҳавонинг паст ҳароратида ишлашини таъминлаш, мавсумий хизмат кўрсатишни бажариш, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор берилиб, ҳарбий хизматчиларнинг билим ва кўникмалари янада оширилди ҳамда посбонлар синовдан ўтказилди.

– Қисм шахсий таркиби қурол-яроғ ва техникани қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини муваффақиятли якунлади, – дейди офицер Ғани Тўлаганов. – Бунга қадар, техника ва ёнғин хавфсизлиги, қурол-яроғ ҳамда техникадан оқилона фойдаланиш, турли заҳарли суюқликларнинг таркибини ва ишлатишни билиш бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказиб, посбонларнинг билимларини оширишга ҳаракат қилдик. Натижада белгиланган вақтдан олдин қурол-яроғ ва техникани қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини аъло даражада уддаладик.

Қисмда қиш мавсумига ўтказиш ишлари бошлангунга қадар қурол-яроғ ва техникада мавжуд нуқсон ҳамда камчиликлар аниқланиб, улар бартараф қилинди. Шунингдек, қурол-яроғ, техника, парк, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш воситалари шай қилинди.

Қурол-яроғ ва техникани қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини юқори савияда ташкиллаштириш ва Мудофаа вазирининг буйруғига бинoан қисмда бўлинмаларга техник жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадида таъмирлаш бўлинмаларининг куч ва воситалари билан махсус электр жиҳозлар, аккумулятор батареялари ва алоқа воситаларини текшириш, буғ ва ҳаво клапанларини текшириш ҳамда ёнғинга қарши воситалар таркибидаги баллонлар вазнини тортиш, фильтр ва ҳаво тозалагичларни ювиш, брезентдан тайёрланган буюмларни таъмирлаш, пайвандлаш ва мойлаш каби ихтисослаштирилган постлар ташкил қилинди.

– Мазкур постларда яратилган шарт-шароитлар ишимизни сифатли бажаришимизга омил бўлди, – дейди қисм автомобиль хизмати бошлиғи офицер Одил Ортиқов. – Албатта, қурол-яроғ ва техниканинг ҳар томонлама созлиги жанговар шайликнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам қўл остимдаги ҳайдовчи ва таъмирлаш гуруҳи посбонлари билан биргаликда техникаларнинг ҳамиша шай туришини таъминлашга ҳаракат қиламиз. Белгиланган вақт мобайнида техникаларни қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини юқори даражада бажаришга интилдик. Бугун шуни ишонч билан айта оламанки, қисмда мавжуд жанговар техникалар ва автомобиллар тўлиқ жанговар шай ҳолатга келтирилган.

Қисмда ташкил этилган барча ихтисослаштирилган постларда қўйилган вазифалар вақтида бажарилиб, камчилик ва нуқсонлар бартараф этилганлиги боис, техникаларни қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишлари юксак савияда уддаланди. Бунда посбонлардан кичик сержантлар – Нурбек Нормаматов, Маъруф Алладўстов, Алишер Фахриддинов, Дониёр Юнусов, Ғайрат Пардаев кабилар ўзларига бириктирилган қурол-яроғ ва техникани қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишларида фаол иштирок этишиб, барча талабларни аъло даражада бажаришиб, сафдошларига намуна бўлишди ва қисм қўмондонлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланишди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қисм шахсий таркиби бор имкониятни ишга солиб, қурол-яроғ ва техникани қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини юқори савияда олиб боришди ҳамда режадаги барча вазифаларни адо этишди. Бу албатта, доимий жанговар шайликни сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.



Технике заботу и внимание

В ЧЕТКОМ РИТМЕ

В подразделении, где служит офицер Зафар Исмаилов, завершается перевод техники на режим осенне-зимней эксплуатации. Благодаря хорошей подготовке и организованному проведению, все сезонные работы выполняются в намеченные сроки.

Во многом динамичная работа в автопарке определяется уровнем требовательности к подготовке личного состава. В подразделении, к примеру, немало хорошо подготовленных и умелых водителей. Так, младший сержант Абдувахоб Эгамов подает хороший личный пример подчиненным, содержа свой автомобиль в безупречном состоянии, своевременно проводя его техническое обслуживание.

Столь же добросовестно относится к проведению порученных работ и водитель рядовой по контракту Жавлон Юлдашев. За, казалось, довольно короткий, по армейским меркам, период службы он уже приобрел достаточно опыта, чтобы не только умело выполнить все предусмотренные планом мероприятия, но и выявить и устранить имеющиеся на автомобиле неисправности.

И все-таки, как говорится, семь раз отмерь – один раз отрежь. И поэтому на завершающем этапе всех расчетных работ офицер Хайриддин Валиев в присутствии всех звеньев ремонтной цепи военнослужащих тщательно проверяет качество проведенных работ по техническому обслуживанию автомобиля. И судя по настроению старшего начальника, он вполне доволен тем, как справился с задачей рядовой Эльер Утанов.

Работы, связанные с регулировкой и обслуживанием двигателя, электрооборудования, а также узлов гидравлических систем, как правило, выполняются на специализированных постах технического обслуживания, где трудятся опытные специалисты.

Один из них – младший сержант Юнус Сагдиев. Этому опытному специалисту всегда доверяют самые ответственные участки, самые сложные ремонты узлов и агрегатов. На его счету немало поощрений от старшего командования за отличное выполнение поставленных задач по ремонту техники.

Ему, как человеку ответственному и добросовестному, поручено провести проверку и обслуживание средств пожаротушения на всех автомобилях. К порученной задаче он подошел со всей ответственностью.

Много дел сегодня в автопарке у водителей и ремонтников, где под руководством младшего сержанта Фурката Исламова пост смазочных работ не знает покоя. Замена смазки в агрегатах, промывка и обслуживание топливной системы, слив отстоя и промывка топливных баков, обслуживании ходовой части, проверка крепления узлов и агрегатов, подтяжка болтов и гаек трансмиссии. Все это требует умения, немалых затрат физического труда, проявления смекалки и инициативы от личного состава, Но это не напрасный труд, и воины прекрасно понимают данный мотив.

Пройдет совсем немного времени, и подготовленные воинами автомобили вновь выйдут на заданный маршрут. Им предстоит немало потрудиться для обеспечения нормальной жизнедеятельности и боевой учебы воинов в зимних условиях в различных местностях. Профилактические работы, проведенные на технике в период перевода на режим осенне-зимней эксплуатации, позволяет уменьшить износ деталей, предупредят отказы и неисправности, продлят срок службы военной техники, повысят ее мобильность.

Капитан Мирза ХАСАНОВ.

МАҲОРАТ

ПРОФЕССИОНАЛЛИК ДОВОНЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИБ

Ҳарбий жамоа муваффақияти Ватан ҳимоячисининг ўз мутахассислигини қай даражада ўзлаштирганлиги ва малакасига, касбий билимлар ва кўникмаларга эгалиги, бурчи ва касбига бўлган масъулият ҳиссига, қолаверса, командир тажрибасига, етакчилик ва ҳарбий бўлинмани бошқариш қобилиятига, мураккаб тактик вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш маҳоратига, юксак ахлоқий, маънавий-руҳий сифатларга эга бўлишига бевосита боғлиқ. Бу борада ўзаро уйғунлик таъминланган жамоага эса фақат ва фақат ҳавас қилса, ундан ибрат олса арзийди. Чунки айнан ўша ерда янги-янги ғалабалар, ютуқларга элтувчи муҳит шаклланган бўлади.



Дала-ўқув майдони. Лейтенант Баҳодир Абдукамолов командирлик қилаётган гуруҳга шартли душман келиш эҳтимоли туғилаётган ҳудуд атрофига пистирма қўйиш вазифаси қўйилди. Катта лейтенант Самандар Бердиев шунқорлари эса шартли душман жойлашган ҳудуд, унинг кучи, қурол-аслаҳаси ҳақидаги маълумотларни аниқлаши керак. Сардорлар юқори қўмондонлик томонидан қўйилган вазифани посбонларга етказар экан, тегишли йўл-йўриқларни бердилар.

Маълумки, ҳатто кичик хато, ноаниқлик ҳам жанговар топшириқни, қуролдош дўстларни хавф остига қўйиши мумкин. Буни яхши тушуниб етган, ҳар қандай шароитда ишончли ҳаракатланишни мақсад қилган посбонлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга киришдилар.

Катта лейтенант Бердиев гуруҳи шартли душман жойлашиши эҳтимол қилинган ҳудуд томон ҳаракатланди. Сержант Маъмур Атабоев бошчилигидаги бўлинма йўлнинг миналаштирилмаганлигини аниқлаш, пистирмаларга дуч келмаслик учун бор маҳоратларини ишга солмоқда. Мана, улардан бири йўлда муҳандислик тўсиқлари борлиги сабаб, гуруҳни тўхтатди. Посбонлар шароитдан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳудудни четлаб ўтдилар...

Лейтенант Абдукамоловнинг гуруҳи эса жанговар топшириқни бажаришга киришишни ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, рельефи ва паст-текисликлари, кўздан пана ва пиёда ҳаракатланишга тўсқинлик қилувчи жойларни ўрганиш ва баҳолашдан бошлади.

Белгиланган радиусни эгаллаган ҳарбий жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини яхши билган ҳолда ҳушёрликни оширган. Албатта, йигитлар топшириқни бажариш жараёнида эгаллаган позициянинг атрофни кузатиш ҳамда вазият тақозо этса, тактик манёврларни амалга ошириш, турли жанговар қуроллардан ўт очиш учун ҳар томонлама қулай бўлишига, ён-атрофдан ажралиб турмаслик, ҳудуднинг умумий кўринишига қўшилиб кетиш учун маскировкага катта эътибор қаратдилар.

Пистирма қўйиш топшириғи аъло даражада уддалангани ҳақидаги маълумот юқори қўмондонликка етказилган бир пайтда катта лейтенант етакчилигидаги гуруҳ шартли душманни аниқлади. Уларнинг сони ҳамда қурол-аслаҳаси ҳақидаги маълумотлардан, гуруҳнинг сон жиҳатдан шартли душман кучидан устун эканлигини инобатга олиб, командир ҳужумга ўтишга қарор қилди.

Посбонлар совуққонлик билан шартли душманнинг пистирма марказига кириб боришини кутдилар. Шундан сўнггина ўт очишга буйруқ берилди.

Қўққисдан ўт очилиши оқибатида шартли душман кучининг муайян қисми яксон этилди. Чекинишдан ўзга чора тополмаган шартли душманга ҳеч қандай имконият қолдирмаган жамоа аъзолари уларни бутунлай яксон этишга муваффақ бўлдилар.

Қўйилган жанговар топшириқ аъло даражада бажарилди.

– Дала-ўқув майдонидаги вазиятда шартли душманни йўқ қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилишимга асосий сабаб, жанг бўлиши кутилаётган ҳудуднинг шартли душман чекиниши учун қулайлиги бўлди. Демак, ўша вақтда ҳужум уюштирмаганимизда, эҳтимол, душманни бутунлай яксон этолмасдик. Қолаверса, тоғли ҳудудда кам сонли шартли душманни аниқлаш мураккабдир. – дейди офицер С.Бердиев.

– Йигитлардан хурсандман, – дейди лейтенант Абдукамолов. – Жамоамиз ютуғида ўз вазифасини бехато бажарган ҳар бир посбоннинг муносиб ҳиссаси бор.

Топшириқдан ёруғ юз билан қайтган шунқорлар муваффақиятидан командирларнинг хурсанд бўлиши табиий. Одатга кўра, ҳар бир машғулотдан сўнг гуруҳда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Унда ютуқ ва камчиликлар, аҳамият берилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида фикр юритилди.

– Ҳарбий хизматчига дунёда кечаётган муҳим воқеаларни етказиш, уларда юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни тарбиялаш устувор вазифалардан саналади, – дейди офицер Раҳматилло Бакиров. – Дала шароитида ҳам юрт посбонларининг билими, кўникмаларини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари хоналари зарур анжомлар ва воситалар билан жиҳозланган. Албатта, бу ерда кўп нарса машғулот раҳбарининг тайёргарлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун режа асосида машғулот раҳбарларига зарур йўл-йўриқлар берамиз ва ўзаро тажриба алмашишлари учун имкон яратамиз.

Ҳа, дала-ўқув машғулотларида, умуман олганда, ҳарбий хизмат фаолиятида қуролдош дўстларига ўрнак бўлаётган ҳарбий хизматчи ўз вазифасини ғайрат ва шижоат билан бажариш, малакасини ошириш, ўқиб-изланишдан тўхтамайди. Шунинг учун ҳам унинг саъй-ҳаракатларида ўз кучи ва билимига бўлган ишонч, профессионаллик, касбига, соҳага меҳр, муҳими, юртдошларининг, оила аъзоларининг тинч ва осойишта ҳаёти учун масъулият ҳисси акс этади. Қуролли Кучларимиз жанговар шайлиги ва қобилиятини юксалтириш йўлида фидойилик кўрсатаётган Ватан ҳимоячиларини ички бир куч, билдирилаётган катта ишонч масъулияти навбатдаги зафарлар сари етаклайверади.

Капитан Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

ШАРАФЛИ КАСБГА МЕҲР ҚЎЙДИ

Ҳаёт мактаби ёшлар тақдирида катта аҳамият касб этади. Айнан шу даврда йигитлар келажак тақдирларини белгилаб бергувчи муҳим қарорларни қабул қиладилар.

Катта лейтенант Хушвақт Бобомуродов командирлик қилаётган гуруҳ назорат-синов машғулотлари натижаларига кўра илғор жамоалардан бири сифатида эътироф этилди. Гуруҳнинг бундай ютуғи бир томондан ёш офицернинг етакчилик қобилиятига боғлиқ бўлса, яна бир томондан бу бурчига садоқатли фидойи посбонларнинг елкама-елка туриб қилган ҳаракатлари натижасидир. Мазкур гуруҳдаги ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Уларнинг барчаси назорат-синов машғулотларида жанговар маҳорат соҳиби эканликларини намойиш қилдилар. Ана шундай посбонлардан бири кичик сержант Дилшод Юнусовдир.

Унинг хизмат қилаётганига ҳам уч йилдан ошиб қолди. Бу у қадар катта фурсат эмас. Бу давр Дилшоднинг маҳоратли посбон сифатида ўзини кўрсата олиши учун етарли бўлди. Севиб, меҳр қўйиб бажарилган ҳар бир иш муваффақиятли чиқади. Қаҳрамонимиз ҳам касбига меҳр қўйганлардан.

Муддатли ҳарбий хизмат унинг болалик орзуларини бутунлай ўзгартириб юборди. У ўз бурчини ўташ жараёнида шарафли касбга меҳр қўйди ва ҳаётини армия билан боғлашга аҳд қилди.

Аскар йигит ўша кезлардаёқ намунали хулқи ва аъло хизматлари билан ҳарбий жамоада обрў-эътибор қозонган эди. Тиришқоқ, берилган топшириқларни бекаму кўст уддалайдиган аскарнинг хизматлари муносиб тақдирланиб, отаси Шермамат акага қисм қўмондонлигининг миннатдорчилик мактуби юборилди. Оила аъзоларининг қувончи уни янада руҳлантирди, янада берилиб, сидқидилдан хизмат қила бошлади. Хизматни шартнома асосида давом эттириш истаги борлигини билдирганида командирлари уни қўллаб-қувватладилар.

Ўзига хос сарҳисоб бўлган назорат-синов машғулотларида кичик сержант соҳани қай даражада эгаллаганлигини маҳорат билан намойиш қилди. Жисмоний тайёргарликдан синовларда кичик командир мутахассислар эътиборига тушди. Қисқа масофага югуришда у энг юқори натижа кўрсатди. Шундан сўнг унинг бошқа тайёргарликлар бўйича натижалари билан қизиқиб бордик. Барча тайёргарликлардан яхши кўрсаткичларга эришди, ўғлон. Буни у қуйидагича изоҳлайди:

– Бизда спортга катта эътибор берилади. Спорт зали, тренажерлар бизнинг ихтиёримизда. Спортнинг деярли барча турлари билан шуғулланиш имкони бор. Турли мусобақалар уюштириб борилади. Машғулот залларимиз замон талабларига мос кўргазмали воситалар билан жиҳозланган. Катта китоб фондига эга бўлган кутубхонамиз ҳам доимо гавжум. Бизга яратилган бундай қулай шарт-шароитларга албатта, фақат аъло хизматлар билан жавоб қилиш лозим. Мен шарафли касбни танлаганимдан ғурурланаман.

Дилшоднинг ҳарбийликни танлашида акаси Дилмуроднинг ҳам хизмати катта. У ички ишлар соҳасида ишлайди. Сўзимизни шу ерда мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, айни кунда икки оға-ини Ватан осойишталиги йўлида ҳормай-толмай хизмат қилиб келмоқда. Кичик сержант Дилшод Юнусовнинг мувафақиятлари бу билан чекланиб қолмайди, албатта. У ҳали яна кўп бора бурчини шараф-ла ўтаб, салмоқли ютуқларни қўлга киритишига ишонамиз.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

Вести из подразделений

НА ЛИДЕРСКИХ КАЧЕСТВАХ

Занятия в классах, парках и в поле способствуют формированию у воинов профессионализма, важных навыков и качеств, необходимых для успешного выполнения служебных обязанностей. Традиционно в процессе обучения успех зависит и от лидерских качеств командира. Например, в группе лейтенанта Шавката Исроилова каждый военнослужащий стремится быть похожим на своего командира.

С началом боевой учебы здесь стремятся качественно проводить занятия. Теория и практика дополняют друг друга. Все практические элементы отрабатываются до автоматизма. Занятия идут по принципу: от простого к сложному. Конечно, в любом планировании и методике, разумеется, немалую роль играет человеческий фактор.

В данном случае благодаря кропотливой ежедневной работе, проделанной офицером Ш. Исроиловым, все подопечные не только тщательно изучают преподаваемый материал, но и вооружены конкретными практическими примерами. Во время проведения занятий по изучению тактико-технических характеристик техники и вооружения или выполнению нормативов в парке царит атмосфера всеобщей заинтересованности. Воины с неподдельным интересом слушают объяснение очередных тем, следят за действиями командиров.

А если возникают вопросы, то за ними следует детальный разбор, пока всем, находящимся на занятии, не становится предельно ясно, о чем идет речь. Подобная скрупулезность – не самоцель. Важно, чтобы знания и навыки, полученные воинами, были прочными. Только тогда любой военнослужащий будет полностью уверен в себе и находящемся рядом товарище. Это, в свою очередь, позволит качественно и в срок выполнять учебно-боевые задачи.

Об этом постоянно говорит офицер Ш. Исроилов своим подчиненным.

Такой же вдумчивый, взвешенный подход к доверенному участку службы прослеживается и у многих других молодых офицеров части.

Так, лейтенант Уткир Бабаджанов, постоянно повышающий уровень своей командирской подготовки, использует каждую минуту для укрепления воинской дисциплины среди подчиненных. В итоге в его подразделении за отчетный период не имеется ни единого правонарушения. Согласитесь, весомый результат. Заслуженным авторитетом среди личного состава пользуется и лейтенант Акбар Мавлянов, который также ответственно подходит к решению стоящих перед ним задач.

Пример образцового выполнения служебных обязанностей демонстрируют сослуживцам и выпускники школ подготовки сержантов младшие сержанты Бекзод Раимов и Отабек Курбанов. Немало сделано в данных подразделениях и для качественного выполнения нормативов, упражнений учебных стрельб на предстоящем полевом выходе.

Отрадно, что соревновательный дух, тесное взаимодействие, личный пример молодых офицеров и сержантов, стремление их к высокой личной подготовленности положительно сказываются и на результативности вверенных коллективов, зажигая подчиненных вдохновляющей силой. По итогам боевой учебы данные подразделения уверенно держат лидирующие позиции.


Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

МАШҒУЛОТ

Сержантлар – армиямиз суянчи ва таянчи

ИЛҒОРЛИКНИ МАҚСАД ҚИЛГАН АЛОҚАЧИ ПОСБОН

Юрт ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб бўлиб, мустақиллигимизни, она заминни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган посбонлар туфайли ҳаётимиз сокин, турмушимиз фаровон. Қуйида ана шундай мардлардан бири – кичик сержант Жўрабек Маҳмудов ҳақида сўз юритишга қарор қилдик.



Профессионаллик сари дадил одимлаётган кичик сержант Жўрабек Маҳмудов ҳарбий жамоада ўз ўрнига эга посбонлардан. Кичик командирнинг жанговар сафлардаги хизмати бошланганига яқинда ўн йил бўлади. Қаҳрамонимиз шу вақт ичида билим ва маҳорати, салоҳиятини намоён қилишга улгурди. Муддатли ҳарбий хизматини алоқачилар қисмида ўтаган ўғлон қалбида ҳарбийлик касбига бўлган қизиқиш айни шу кезларда пайдо бўлди. Мана, кечаги намунали аскар – бугун моҳир кичик командир. У алоқачи вазифасини аъло даражада уддалаб, жанговар шайликка муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

– Ҳарбийликдек шарафли касбга бўлган ҳавасим аскарлик кезларимда пайдо бўлганди, – дейди у биз билан суҳбатда. – Армияда олиб борилаётган ислоҳотлар, офицер ва сержантларнинг биз посбонларга бўлган муносабати бу касбни танлашимга туртки берди. Шу вақт ичида ўз соҳам бўйича жуда кўп билим ва кўникмаларни эгалладим.

Хизмати мобайнида лавҳамиз қаҳрамони кўплаб ютуқларни қўлга киритиб, сафдошларига ўрнак бўлиши орқали командирларнинг эътиборига тушди.

– Кичик сержант Маҳмудов ўз вазифасини шараф билан уддалаб келаётган ҳарбийларимиздан бири ҳисобланади, – дейди офицер Элёр Сотибов. – У соҳасининг билимдони, ҳар қандай вазиятда алоқа воситаси билан «тиллаша» олади. Машғулотларда фаол иштирок этиб, олдига қўйилган топшириқни виждонан бажаришга бўлган интилиши ва вазифасини яхши билиши унга илғорлар қаторига чиқишига ёрдам бермоқда.

... Гуруҳ тоғ дараси бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Шартли душман айнан шу ҳудудда жойлашиб, қулай фурсатни кутаётгани ҳақида маълумот олинган. Гуруҳнинг вазифаси шартли душман жойлашган нуқтани излаб топиш ва улар ҳақида тўлиқ маълумот йиғиб, юқори қўмондонликка ахборот беришдан иборат. Ёмғирли кунда тоғда ҳаракат қилиш анча мураккаб. Бироқ бундайин вазифаларни бажариб, ҳар томонлама кўникма ва тажрибага эга бўлган посбонлар ҳар қандай қийинчиликни енгиб, олға интилишмоқда. Гуруҳ мергани кичик сержант Баҳриддин Тўраев шартли душман жойлашган жойни аниқлаб, командирга ахборот берди. Уч кун мобайнида кечаю кундуз навбатчилик ташкил қилиниб, душманнинг хатти-ҳаракати кузатилди. Шартли душман ўз ҳаракатини давом эттириш мақсадида эканлигини пайқаган командир алоқа орқали юқори қўмондонликка зудлик билан хабар беришни маъқул топди. Аммо ташқи таъсирлар натижасида ўтказгичларда қисқа туташув ҳосил бўлиб, алоқа воситаси ишдан чиққан. Шунда гуруҳ алоқачиси кичик сержант Маҳмудовнинг ўз соҳасини пухта билиши асқотди. Кичик командир қисқа фурсат ичида алоқа воситасидаги носозликни бартараф қилди ва керакли маълумотларни юқори қўмондонликка узатди. Унинг фидойилиги ва соҳасининг билимдонлиги туфайли гуруҳ ўз олдига қўйилган вазифани аъло даражада уддалади.

Кичик командирнинг бу каби дала машғулотларида юқори натижага эришишида бой билимга эга эканлиги ва ўз устида тинимсиз ишлаши ҳамда устозлар ўгитига риоя қилиши катта ёрдам бермоқда. Шунингдек, ёшлигидан спортга меҳр қўйгани ҳам хизмати давомида қўл келмоқда. У енгил атлетика ва тош кўтариш билан мунтазам шуғулланиб боради. Бу борада кўплаб яхши натижаларни қўлга киритишга ҳам улгурган. Ўтган ўқув йилида ўтказилган оммавий спорт кўригида илғорлар сафидан жой олишига ҳам енгил атлетика билан шуғулланиб бориши катта ёрдам берди.


– Касбимни жуда ардоқлайман, умуман ҳарбий соҳада, мард ўғлонлар орасида фаолият юритаётганимдан фахрланаман, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Ахир эр йигит учун Ватан тинчлигига, эл-юрт корига камарбаста бўлишдан ҳам ортиқ шараф бўлмаса керак. Айни кунларда янги ўқув йили машғулотларини кўтаринки руҳда ўтказаяпмиз. Гуруҳимиз билан шу кунга қадар кўплаб ютуқларга эришдик.


Шуни таъкидлаш жоизки, яқинда ўтказилган ҳаводесант тайёргарлиги машғулотларида ҳам кичик командир бу борада қанчалик билим ва маҳоратга эга эканлигини намойиш қила билди.

Дарҳақиқат, бугун сержантлар корпусига улкан эътибор ва ишонч билан қаралмоқда. Улар сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқиб, ўз мутахассисликлари ва соҳалари бўйича мукаммал билим ва тажрибага эга бўлишмоқда. Бундай сабоқлар ўз ўрнида кичик сержант Жўрабек Маҳмудов сингари шижоатли ва мард ўғлонларнинг ҳар томонлама шаклланишларида муҳим асос бўлмоқда.

Кичик сержант Аҳрор НОЗИМОВ.
Муаллиф суратга олган.

ЯНГИЛАНИШЛАР КЎЛАМИ КЕНГ





Офицер Ҳасан Шарипов хизмат қилаётган қисмдамиз. Аввало ўрнатилган тартиб-интизом борасида алоҳида тўхталиш жоиз. Бу посбонларнинг ҳарбий хизматчилар учун дастурилмал бўлган Умумҳарбий низомлар талабларини мустаҳкам эгаллаганидан далолат. Шубҳасизки, ҳарбий интизомга қатъий риоя этиш намунали хизмат гаровидир.

Посбонлар олдида турган асосий масала ҳарбий соҳа сирларини мукаммал эгаллаш, жанговар шайликни ошириш. Бунинг учун аввало жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликларга катта эътибор қаратиш лозим. Эътиборимизни тортгани – жамоада машғулот хоналари, хусусан ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари учун мўлжалланган хона ҳам шу куннинг талаби асосида жиҳозлангани бўлди. Замонавий спорт анжомлари, тренажёрлар ўрнатилган спорт зали эса жисмоний тайёргарлик учун қулай шарт-шароитлар яратилганини кўрсатади.

– Посбонлар назарий машғулотларни мукаммал эгалласагина амалий синовларда фаол бўлади, – дейди офицер Аскар Сафаров бизни машғулот хоналари билан таништирар экан. – Кўриб турганингиздек, ҳар бир машғулот хонаси зарур кўргазмали қуроллар, техник воситалар билан жиҳозланган. Албатта, бу борада посбонларга сабоқ берувчи мутахассисларнинг ҳам ўрни беқиёс. Шуни қувонч билан айта оламанки, ҳарбий қисмимизда хизмат қилаётган сержант ва офицер ўз соҳасининг билимдони. Жанговар тайёргарлик машғулотларида катта лейтенант Иномжон Мамажонов, сержант Аброр Камолов, Дилшод Ботирбековлар ўз тажрибаси, маҳорати билан ажралиб турса, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида катта лейтенант Илҳом Барноев, сержантлар Собир Турдиниязов, Фурқат Артигалиевларнинг билимдонлиги, малакаси қўл келади.

Жисмоний тайёргарлик эса посбонларнинг севимли машғулотларидан. Шу сабабли уларнинг барчаси спорт билан доимий шуғулланиб, жисмонан бақувват бўлишга ҳаракат қилишади. Сержант Бунёд Мақсудов спорт бўйича жонкуяр етакчилардан. Шунингдек, қўл жанги устаси сержант Жаҳонгир Бойматов, стол тенниси устаси сержант Иномжон Башировлар аскарларга ўз маҳоратларини ўргатиб, сабоқ бериб келишмоқда. Шунинг учун аскарларимиз ўртасида бир қатор мусобақаларда ютуқларга эришган спортчилар кўпчиликни ташкил этади. Умуман олганда, ўтказиладиган ҳар бир машғулотнинг посбонлар жанговар шайлигида муҳим ўрни бор.

– Соҳа сирларини мукаммал эгаллаш асосий бурч ва мақсадимиз, – дейди жанговар тайёргарлик аълочиси, оддий аскар Фарид Тўраев. – Мен ва сафдошларим оддий аскарлар Ғулом Боллиев, Ҳамидулло Эргашев, Жонибек Асадовлар билан биргаликда олдинги сафда бўлишга ҳаракат қилаяпмиз. Менга айниқса, жанговар тайёргарлик машғулотлари жуда ёқади.

– Посбоннинг дунёқараши кенг, фикрлаши теран бўлса, машғулотларда ҳам фаол бўлади, – суҳбатга қўшилади ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида илғорликни қўлдан бермай келаётган оддий аскар Шуҳрат Абдуллаев. – Чунки у зиммасидаги бурчни чуқур англай олади. Мен буни аълочи посбонлар, сафдошларим Абдували Жалилов, Бобур Абдусаломов, Фаррух Ҳотамовлар мисолида ҳам келтиришим мумкин. Негаки ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларини чуқур ўзлаштирган бу аскарлар ҳарбий қисмнинг ҳар томонлама фаол аскарлари. Шунингдек, биз бўш вақтимизда ҳарбий қисм кутубхонасига йўл оламиз. Яхши китоб инсонни комилликка етаклайди.

Жисмоний тайёргарлик аълочилари бўлган спортчи оддий аскарлар Азамат Суюнов, Қаҳҳор Йўлдошев, Шоҳруҳ Мустафоев, Музроб Маҳкамовлар ҳақида ҳам илиқ фикрлар эшитдик. Улар билан қилган суҳбатимиз давомида посбонлар ҳаётида жисмоний тайёргарлик ва спорт уларнинг чиниқишида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлашди.

Умуман олганда, ҳарбий қисмда посбонларнинг замонавий ҳарб илмини мукаммал эгаллашлари, бугунги кун талабларига мос бўлишлари учун кенг шароит яратилган. Албатта буларнинг барчаси, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

КОНСТИТУЦИЯ

18 ноябрь – давлатимиз байроғи қабул қилинган кун

ОЗОД ЮРТИМ, ОБОД ЮРТИМ РАМЗИСАН

«Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга». (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 5-моддасидан).

Ишга келаётиб, кўпинча қисм назоратўтиш жойидаги манзарага қарайвераман. Очиғи, бунга кўникиб ҳам кетганман. Яъни ҳилпираб турган давлатимиз байроғига посбонларимиз ҳар сафар ўзгача ғурур, фахр билан боқишини назарда тутяпман. Ўзимча ўйлайман. Ҳарбий хизматчи давлатимиз байроғига, эркимиз, истиқлолимиз, куч-қудратимиз тимсолига ўзига хос ҳурмат бажо келтираётган пайтда кўнглидан нималар кечаркин? Балким қадим-қадим давлатчилигимиз, бой тарихимиз хаёлидан ўтар. Балким байроқни миллат ори, ғурури, шони, шавкати билиб, уни баланд кўтарганча мўғул босқинчиларига қарши курашга отланган шайх Нажмиддин Кубро хаёлида гавдаланар? Ёки жангу жадалларда қўшинни байроғи билан олға бошлаган соҳибқирон бобомиз Амир Темур хаёлидан кечар? Халқаро спорт мусобақасида ғолиб чиққан юртдошимиз шарафига байроғимизнинг баланд кўтарилган ҳаяжонли онлари кўз олдига келар? Ҳа, нима бўлганда ҳам мана шу лаҳзалик ҳаяжон кишида маънавий бир жасорат уйғотишига ишонаман.

Маълумки, 1991 йилнинг 18 ноябрида Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари ўтказилган еттинчи сессиясида миллий рамзларимиздан бири бўлган давлатимиз байроғи тасдиқланди. Шу кундан эътиборан бу рамз қадим-қадим давлатчилигимиз билан тарихан боғлиқлигимизни янада теран англатяпти. Миллатимизнинг, халқимизнинг орзу-умидлари, қадриятлари, шонли анъаналарини акс эттиряпти. Шунинг учун ҳам у ҳилпираганда юракларимиз тўлқинланади, қалбларимиз чексиз фахру ифтихорга, ғурурга тўлади.

Бугун маънавиятимизга таҳдидлар, оммавий маданият ҳақида турли фикрлар билдириляпти. Очиғи, маънавий таҳдиднинг каттаси, кичиги бўлмайди. Назаримизда арзимасдай туюлган ҳолатлар эртага ҳеч нарса билан тўлдириб, қоплаб бўлмайдиган зарарга олиб келиши ҳеч гапмас. Гоҳо фарзандларимизга турли мамлакатларнинг байроғи рамзи туширилган либослар олиб берамиз. Ёки фарзандимизга ўзга миллат байроғи рамзи туширилган дафтар сотиб оламиз. Нима бўпти, дейсизми? Бир қараганда фожиа эмас. Бепарвогина юраверишимиз, шунчаки бир безак сифатида қабул қилишимиз мумкин, шундайми? Гап масаланинг маънавий томонида. Сизнингча, Кубро бобомиз шунчаки бир байроқни деб жон фидо қилдими? Аслида байроқ тимсолида миллат озодлиги, эрки, ору номуси, шаъни-шавкатини кўргани, ҳис қилгани учун ҳам уни баланд кўтариб олға бошлаган. Хўш, турли рамзларга меҳр қўйиб ўсган болада Ватанга, миллатга муҳаббат туйғуси қандай бўлади? Томирида миллий ғурур жўш урадими? Ўзбекистони манфаати йўлида буюк ишларга қодир бўладими? Биз катталар аввало мана шундай саволларга жавоб топишимиз керак. Негаки инсоннинг миллий тимсол ва рамзларга муҳаббати замирида улкан тарбиявий омил ётади. Ўзлигини англаган, насл-насабини билган одам ўз-ўзидан миллий тимсолларига-да меҳр қўяди. Давлати рамзига бепарво ёки турли рамзларга хайриҳоҳ инсоннинг онги, тафаккурини жиловлаш, унга турли ёт ғоя, мафкурани сингдириш ҳам осон.

Байроқ ҳақида гап кетганда, Швейцариядаги бир ҳолат кўз олдимга келади. Алп тоғига саёҳат учун бир қишлоқни кесиб ўтаётганимизда уйларнинг томида мамлакат байроғи ҳилпираб турганини кўрдим. Йўл кўрсатувчимиз фуқаролар байроқни доимо тозалаб, ювиб, ҳатто дазмоллаб туришига изоҳ берганида эса ич-ичимдан «мана давлат рамзига ҳурмат, мана Ватанга муҳаббат», деган фикр ўтди. Хулосага келдимки, байроққа шунчаки бир буюм сифатида эмас, ғурур, фахр манбаи сифатида қарашади.

Байроғимизнинг тенглар ичра тенглигимизни, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни англатиб нуфузли халқаро ташкилотлар биноси олдида ҳилпираб тургани чексиз фахр эмасми?! Турли спорт мусобақаларида ғолиб ҳамюртларимиз шарафига баланд кўтарилганда юракларимиз орзиқиши ғуруримиз эмасми?! Фарзандларимиз қалбида ҳам ана шундай руҳни уйғотишимиз керак. Эътибор бериб қаранг, байроғимизнинг ҳар бир ранги, рамзида миллатимизнинг қалби акс этиб турибди-ку! Оқ рангни олинг. У поклик, халқимизнинг орзу ва умидларидаги, буюк келажакка интилишидаги беғуборликдир.

Ҳа, миллат байроғини фарзандимизга ана шундай тушунтирайлик. Токи у бу буюк тимсолни юрагига қадасин. Токи у улғайганда юрти байроғини баланд кўтарсин. Президентимиз «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир», дея бежиз таъкидламаганлар, ахир.

Озод юртим, обод юртим байроғи эзгу орзу-ниятларимиздан, танлаган тараққиёт йўлимиздаги устувор мақсадларимиздан куч олиб, ҳилпирар экан, дунёга айтар сўзимиз борлигини билишади.

Подполковник Алижон САФАРОВ.

УСТУВОР МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Мустақил диёримизда миллий армиямизни шакллантириш, унинг жанговар қудрати ва имкониятларини юксалтириш, аскар ва офицерларнинг маънавияти ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Чинакам мардлик, фидойилик йўлидан бораётган юрт посбонларининг қалбига миллий истиқлол ғоясини чуқур сингдириш, шу асосда миллий армиямизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар кишини қувонтиради. Ҳарбий қисм, муассасаларда «Маънавият бурчаги»нинг ташкил этилиши, шунингдек, юрт ҳимоячиларининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган давра суҳбатларининг мунтазам ўтказилиши ҳарбий хизматчилар маънавиятининг янада юксалишига ҳисса қўшмоқда.

Бу борада ҳуқуқ-тартибот органлари олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовор. Жумладан, Навоий ҳарбий суди томонидан ҳудуддаги ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бўлимлари ҳамда Навоий тог-кон металлургия комбинати тармоғига кирувчи ташкилот, корхоналарда ҳамкорликда ташкил этилаётган қатор тадбирлар ҳам ушбу эзгу мақсадларга эришиш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида инсон ҳуқуқлари ва унинг ҳимоясига оид кўплаб семинарлар, «Жиноятчиликнинг олдини олиш», «Жиноятчиликка қарши курашишнинг профилактик чора-тадбирлари», «Маънавият бор жойда жиноятга ўрин йўқ» каби мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилди. Мазкур тадбирларга муддатли ҳарбий хизмат аскарлари, ёш офицерлар кенг жалб этилиб, уларга доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят кодекси, Жиноят Процессуал Кодекси ҳамда бошқа қонунларнинг мазмун-моҳияти чуқур тушунтирилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳада, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам мукаммал маълумот берилаётир. Бундан ташқари Навоий ҳарбий суди ташаббуси билан оммавий ахборот воситаларида долзарб мавзулардаги кўплаб мақолалар ҳам эълон қилинди.

Ватан ҳимояси энг масъулиятли, энг шарафли вазифа. Конституциямизнинг 52-моддасида белгилаб берилган муқаддас бурчни шараф билан ado этиш юрт посбонларидан эйраклик, сергаклик билан бирга Ўзбекистон Қуролли Кучлари Ички хизмат низоми талабларига қатъий риоя қилиш, ҳуқуқий маданиятни тафаккурига чуқур сингдиришни ҳам талаб этади. Мана шу хислатлар жо бўлган қалбда эса маънавий жасорат уйғонади. Жасоратли мард ўғлонлар хизмат қилаётган қўшинларда юксак маънавий-жанговар руҳ, соғлом рақобат муҳити яратилади. Бу муҳит эса ҳарбий соҳада устувор мақсадларга эришишга, улкан ютуқларни қўлга киритишимизга мустаҳкам асос бўлади.

Адлия майори Ҳамидулла КОМОЛОВ, Навоий ҳарбий суди раиси.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.
(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 42-модда).

Интеллектуал мулк, ихтирочилик ва инновация – иқтисодиёт тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан. Шу боис бу масалаларга оид патент ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлашга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, рақобатбардошлиликни ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш бугунги кундаги устувор вазифалардандир.



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу вазифалар эса, шубҳасиз, инновацион фаолиятнинг ривожи, уларни амалиётга самарали татбиқ этишга боғлиқдир.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори айни шу мақсадда қабул қилиниб, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожига замин яратди. Зеро, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашда бунинг аҳамияти беқиёс. Шунинг учун илмий-тадқиқот институтлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда инновацион ғоялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ўтказиб келинмоқда.

Пойтахтимизда "Инновацион фаолиятни ривожлантиришда патентлар ва патент ахборотининг аҳамияти" мавзуида бўлиб ўтган семинарда шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқаро экспертлар, инновацион ташкилотлар вакиллари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси директори Б.Омонов мамлакатимизда интеллектуал мулк муҳофазасини кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда эканини таъкидлади. Ушбу жараённинг ҳуқуқий асослари яратилиши баробарида унинг ижроси изчил таъминланмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида кўплаб халқаро шартнома ва битимларда иштирок этмоқда, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир. Бу илмий-техникавий ишланмаларни хорижда муҳофаза қилишга ва экспортерларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ҳамда чет эл инвестицияларини миллий саноатимизга жалб қилишга кенг йўл очмоқда.

Патент эгалари ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида юртимизда ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, ЭҲМ учун дастурлар, ўсимлик навлари, ҳайвон зотлари, интеграл микросхемалар топологиялари, товар келиб чиққан жой номлари каби ўндан ортиқ номдаги интеллектуал мулк объектлари муҳофазага олинган. Патент ҳужжатлари давлат фонди олимлар, турли соҳа мутахассислари, янги техника ва технологияларнинг ишлаб чиқувчилари учун миллий ва хорижий патент ҳужжатларини тақдим этадиган йирик марказлардандир.

– XXI аср иқтисодиётининг пойдевори кўпроқ инсон илму тафаккури, билими мустаҳкамлайди, – дейди Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти вакили Сергей Зотин. – Табиий бойликлар эмас, балки айнан интеллектуал мулк мамлакатлар ривожида катта роль ўйнайди. Бу масалага Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан катта эътибор қаратилиб, қўллаб-қувватланаётгани эътиборга лойиқ. Иқтисодиётни инновацион йўл билан ривожлантириш масаласи қўйилиб, у муваффақиятли амалга оширилаётганига гувоҳмиз. Бу борадаги ҳамкорлигимизни янада ривожлантирсак, хусусан, соҳага оид ахборот алмашинувини янада кенгроқ йўлга қўйсак, айни муддао бўлади.

Семинарда янги техника ва технологияларни яратиш ва бозорга чиқаришда патентлар ва патент ахборотининг аҳамияти, шунингдек, бизнесдан келадиган даромадни ошириш, компанияларни стратегик ривожлантириш ва инновацияларни бошқариш мақсадида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва тижоратлаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

САЙЛОВ

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁНДА ПОСБОНЛАР ИШТИРОКИ

Айни кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ҳозиргача Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёргарлик доирасидаги тадбирларнинг муайян қисми ўтказилди. Жумладан, ўтган ойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун 135 та сайлов округини тузиш ва уларнинг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони эълон қилинди.

Бугун юртимиздаги маҳалла идоралари, мактаб, лицей, коллеж, умуман, тегишли жойларда тадбирга қизғин тайёргарлик кўрилаётгани, участка сайлов комиссиялари тузилиб, тегишли ишлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз.

Жумладан, Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Маълумки, ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисм командирининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмда бўлганимизда у ерда тузилган сайлов участкасида қизғин тайёргарлик ишлари кетаётганини кўрдик.

– 27 декабрь юртимизда муҳим сиёсий жараён ҳисобланади, – дейди қисмдаги участка сайлов комиссияси раиси, офицер Аваз Қорабоев. – Округ сайлов комиссияси қарорига мувофиқ қисмимизда сайлов участкаси тузилди. Айни кунларда участкани зарурий жиҳозлар, кўргазмали воситалар, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва тақдимномалари билан таъминлаш ишларини якунлаяпмиз. Шунингдек, шахсий таркиб ўртасида бу борада тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтирдик. Айниқса, аскарлар билан алоҳида кўргазмали машғулотлар олиб бораяпмиз. Чунки улар илк бор бундайин йирик сиёсий жараёнда иштирок этишади.

Дарҳақиқат, қисмдаги сайлов участкаси барча талабларга тўлиқ жавоб беради, бундан кўриниб турибдики, тайёргарлик жараёнлари юксак савияда ташкил этилган. Шунингдек, сайлов комиссиясининг таркиби ҳам аниқ бўлиб, улар шахсий таркиб билан овоз бериш жараёнларини юқори даражада ўтказиш учун барча зарурий чораларни кўришмоқда.

– Овоз бериш жараёнларига ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини ҳам жалб қилиш мақсадида, ҳарбий шаҳарчада тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз, – дейди ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи, Қуролли Кучлар хизматчиси Олияхон Жўраева. – Уларда бундайин муҳим сиёсий жараёнда иштирок этиш иштиёқи анча баланд. Шу боисдан ҳам тадбирларимизда фаол иштирок этишиб, керакли саволларга жавоб олишмоқда. Шунингдек, сайлов ёшига етган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини ҳам тадбирларимизга жалб қилишга ҳаракат қилаяпмиз.

Сайлов комиссияси режасига киритилган қатор тадбирлар туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамда партия ва ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари билан ҳамкорликда амалга оширилиши назарда тутилган. Бу албатта, сайловчиларга янада кўпроқ тушунчалар беришда муҳим аҳамият касб этади.

– Мен бундайин муҳим сиёсий жараёнга илк бор қатнашаман, – дейди оддий аскар Аҳлиддин Мамасиддиқов. – Шу боисдан сайловга доир ўтказилаётган тадбирларга фаол иштирок этиб, сайловчининг ҳуқуқи ва мажбуриятларидан хабардор бўлаяпман. Шунингдек, ташкил этилган сайловчи бурчагидаги сайлов тўғрисидаги қонунлар, тегишли ҳужжатлар ва тақдимномаларни ўқиб, мустақил равишда бу борадаги билимларимни бойитиб бораяпман.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қисмда 27 декабрда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Кичик сержант Фирдавс АҲРОР.
Муаллиф суратга олган.



Навстречу выборам

ПРЕДСТОИТ МНОГОЕ СДЕЛАТЬ

27 декабря в нашей стране пройдут выборы в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан, областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов. Это – важнейшая политическая кампания, и сегодня повсеместно идет активная к ней подготовка.

В воинских частях Караульных войск МВД сразу же после выхода постановления Центральной избирательной комиссии об объявлении избирательной кампании по предстоящим выборам были определены и намечены планы конкретных организационных и воспитательных мероприятий.

Предстоит сделать очень многое: в соответствии с законами о выборах в каждой воинской части и отдельно дислоцированном подразделении создается избирательный участок и избирается участковая избирательная комиссия из числа военнослужащих, которая организует выборы и полностью несет ответственность за их проведение.

В комнатах общественно-политической информации оборудуются «Уголки избирателей», обеспеченные необходимой литературой, чтобы каждый воин мог получить исчерпывающие сведения по интересующему его вопросу. Предстоит провести большую индивидуальную и разъяснительную работу, ведь практически все солдаты срочной службы будут голосовать впервые. Необходимо учесть и то, что военнослужащие контрактной службы голосуют по месту жительства. А ведь в день выборов, как и всегда, будут и боевая служба, и караулы, и войсковые наряды, и служебные командировки. Все это потребует особого внимания и заботы всех командиров и лиц, непосредственно организующих проведение выборов в частях и подразделениях.

Учитывая важность и многоплановость работы по подготовке к выборам, заместитель командующего Караульными войсками по воспитательной работе полковник М. Мухтаров, офицеры управления по работе с личным составом ГУКВ М. Фазылов, С. Идиров и И. Худайназаров подготовили и провели инструктивные занятия с заместителями командиров частей и подразделений по воспитательной работе. На них были всесторонне рассмотрены многие вопросы, связанные с предстоящими выборами.

В настоящее время повсеместно в войсках началась разъяснительная работа, проводятся беседы, коллективные читки и разъяснения законов о выборах. Готовятся и будут проведены по этой теме общественно-политические занятия со всеми категориями военнослужащих, принимаются меры по оформлению красочной наглядной информации. Спланированы и вскоре состоятся встречи личного состава с действующими ныне депутатами, в том числе районных и городских Кенгашей, а также с выдвинутыми позже кандидатами в депутаты от политических партий.

Вся проводимая в войсках воспитательная работа направлена в первую очередь на повышение организованности, дисциплины, бдительности и боевой готовности личного состава, образцовое выполнение служебно-боевых задач и обеспечение высокого общественного правопорядка в период проведения в стране выборной кампании.

Н. ЧУРСИНОВ.

МАВСУМ

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИККА ЭЪТИБОР

Ёзнинг иссиқ, жазирама кунлари ортда қолиб, кузнинг хазонрезги, изғиринли кунлари бошланганига ҳам анча бўлди. Учқунлаётган қор эпкинлари эса қиш фасли яқинлашаётганидан дарак бермоқда. Маълумки, қишки мавсумга тайёргарлик кўриш ишлари ёз фаслиданоқ бошланган. Айни кунларда барча жойларда қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ўз якунига етказилмоқда.





Жумладан, Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Барча қисм ва бўлинмалар, олий ҳарбий билим юртлари қишки мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Буни ҳарбий қисм мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, энг аввало аскарлар ётоқхонаси, ўқув ва дам олиш хоналаридаги иситиш воситалари қайта текширувдан ўтказилиб, камчилик ва нуқсонлар бартараф этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун барча ҳарбий қисмларда қозонхоналар мавжуд бўлиб, у орқали нафақат қисм, балки ҳарбий шаҳарчалардаги тураржой бинолари ҳам иссиқлик билан таъминланади.

– Қисмда режага асосан иш олиб бориб, қишки мавсумга тайёргарлик кўриш ишларини муваффақиятли якунладик, – дейди офицер Олим Қудратов. – Айни пайтда қисм ҳудуди ва ҳарбий шаҳарчадаги бинолар тўлиқ иссиқлик билан таъминланган. Қозонхонада сменали навбатчилик ташкил қилинган бўлиб, туну кун иссиқлик тизимида узилиш бўлмаслигини таъминлаш чоралари кўрилган.

Дарҳақиқат, қозонхонада барча жиҳозлар шай ҳолатга келтирилган бўлиб, узлуксиз равишда иссиқлик узатилиб турибди.

– Кузнинг совуқ кунлари бошланиши биланоқ, биринчи навбатда ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан яшаётган тураржой биноларини иситишга асосий эътиборни қаратдик, – дейди қисм уй-жойдан фойдаланиш хизмати бошлиғи офицер Ўткир Бўриев. – Шунингдек, бинодаги электр жиҳозларидаги носозликлар ҳам бартараф қилиниб, барча қулайликлар яратилди. Қозонхона хизматчилари ҳам туну кун иссиқлик узатиш тизимини назорат қилишиб, ҳар қандай носозликларнинг олдини олишга ҳамиша тайёрдирлар.

– Қозонхона иши, иссиқлик узатиш тизими бўйича ўттиз беш йиллик тажрибага эгаман, – дейди қозонхона назоратчиси, Қуролли Кучлар хизматчиси Ортиқбой Худойберганов. – Бу ерда фаолият юритаётганларнинг барчаси ўз ишининг усталари. Улар билан биргаликда куз фаслига қадар қозонхонанинг барча таъмирлаш ишларини якунлаб, қишки мавсумга тайёр ҳолатга келтирдик. Ҳозирда иккита буғ қозонлари узлуксиз равишда ишлаб, биноларни иссиқлик билан таъминлаб бераяпти. Шунингдек, яна иккита заҳира буғ қозонларимиз мавжуд бўлиб, улар ишлашга шай қилиб қўйилган.



Қисмда қишки мавсумга тайёргарлик кўриш жараёнида ётоқхона ва ўқув бинолари яна бир бор таъмирдан чиқарилиб, эшик ва ромлар, бино томларидаги нуқсонлар бартараф этилди.

Умуман олганда, мазкур ҳарбий қисм қишки мавсумга тўлиқ шай ҳолатга келтирилган.

Кичик сержант А.ШУКУРУЛЛАЕВ.
Муаллиф суратга олган.

Противопожарная безопасность

ПРОВЕДЕНИЕ ОГНЕВЫХ РАБОТ

Настоящие правила предусматривают основные противопожарные требования, обязательные к выполнению при проведении сварочных и других огневых работ на всех объектах, независимо от их ведомственной принадлежности.

Пожарная опасность сварочных и огневых работ усугубляется отсутствием надлежащего контроля со стороны обслуживающего персонала или из-за незнания элементарных правил пожарной безопасности. Ответственность за обеспечение мер пожарной безопасности при проведении сварочных работ и других огневых работ возлагается на руководителей предприятий, цехов, мастерских сладов, учреждений, в помещениях или на территориях которых будут проводиться огневые работы.

Руководители объектов сами могут издавать инструкции о мерах пожарной безопасности, определять приказом места проведения огневых работ с учетом пожарной безопасности, следить за их строгим выполнением.

Места проведения временных сварочных и других огневых работ могут определяться только письменным разрешением лица, ответственного за пожарную безопасность объекта.

Места проведения огневых работ необходимо обеспечить средствами пожаротушения (огнетушитель или ящик с песком, лопата и ведро с водой). При наличии в непосредственной близости от места сварки кранов внутреннего противопожарного водопровода напорные рукава со стволами должны быть присоединены к кранам. Все рабочие и служащие, занятые на огневых работах, должны уметь пользоваться первичными средствами пожаротушения.

Проведения огневых работ на постоянных и временных местах без принятия мер, исключающих возможность возникновения пожара, категорически запрещается.

Приступать к проведению огневых работ можно только после выполнения всех требований пожарной безопасности: наличие средств пожаротушения, очистка рабочего места от сгораемых материалов, защита сгораемых конструкций. После окончания огневых работ их исполнитель обязан тщательно осмотреть место проведения этих работ, полить водой сгораемые места или конструкции и устранить нарушения, могущие привести к возникновению пожара.

Ответственное лицо за проведение огневых работ обязано проинструктировать непосредственных исполнителей этих работ (электросварщиков, газосварщиков) о мерах пожарной безопасности, определить противопожарные мероприятия по подготовке места работ, оборудования и коммуникаций в соответствии с требованиями пожарной безопасности. В период проведения этих работ ответственным лицом должен быть установлен контроль за соблюдением исполнителем огневых работ мер пожарной безопасности и техники безопасности.



Руководитель объекта или другое должностное лицо, ответственное за пожарную безопасность помещения, должны обеспечить проверку места проведения временных огневых работ в течение 3-5 часов после их окончания.

При проведении сварочных и огневых работ запрещается:

а) приступать к работе при неисправной аппаратуре;

б) производить сварку свежеокрашенных конструкций и изделий до полного высыхания краски;

в) пользоваться при огневых работах одеждой и рукавицами со следами масел и жиров, бензина, керосина и других горючих жидкостей.

Лица, занятые на огневых работах, в случае пожара или загорания обязаны немедленно вызвать пожарную команду и принять меры к ликвидации загорания или пожара имеющимся средствами пожаротушения. Служба противопожарной защиты и спасательных работ Ташкентского гарнизона просит вас соблюдать особую осторожность во время проведения огневых и газосварочных работ.

Сержант Мурод МАТСАФАЕВ, старший инструктор службы противопожарной защиты и спасательных работ Ташкентского гарнизона.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

МЕН ОНАМНИ ҚАЙДАН ТОПАЙ?

Андижонлик Мукаррама аяни эслаганимда, майин табассумли, андишали, очиқ чеҳра, ширинсўз, меҳр-шафқатли, мунис бир аёл кўз ўнгимда намоён бўлади.



Ажобо. Ҳаётда ақл бовар қилмайдиган мўъжизаларга дуч келасан. Тирикликнинг ўзи мўъжиза, борлиқ, олам эса ундан-да сирлироқ.

Мен бутун ҳаётини икки ўғил, икки қизнинг тарбиясига, инсонларга яхшилик қилишга, беморлар дардига малҳам бўлишдек касбга бағишлаганидан ўзини бахтли ҳис этган меҳр-мурувватли қалб эгасига ҳавас билан боқар эдим. Бу ҳавас ва иштиёқ менинг шифокорлик касбини эгаллашимга йўл очди.

Ҳамма оналар каби Мукаррама ая ҳам фарзандлари камолини кўриш орзуси билан яшади. Ва бу эзгу ниятларини амалга ошириш учун интилди.

Онанинг хаёлидан ҳар доим ҳарбий кийим кийиб, мағрур турган Абдуллажон ўтарди. Қизиқ, Мукаррама аяда бу орзунинг пайдо бўлишига албатта, бирор сабаб бўлгандир? Ҳа, ая бир куни бетоб отасини кўргани келган ҳарбий хизматчини кўрди-ю, бирданига ўғлининг ҳам ана шундай мағрур қиёфасини ўзича тасаввур қилди. «Ниятга яраша» деганларидек, катта ўғил ҳақиқий посбонларга хос қадди-қоматли йигит бўлиб ўсди.

Онахон бир куни ўғлига дилидагини айтди. Унда ҳам ҳарбий соҳага қизиқиш бор экан. Отаси Абдуҳамид ака эса фарзанди ўзи каби агроном бўлишини истарди. Ота-боланинг орзуси Абдуҳамид акани сал ранжитгандай бўлди. Аммо ота ўғлидаги хоҳишга қарши чиқа олмади. Кўнглида андаккина хавотири бўлса-да, розилик билдирди.

Орадан йиллар ўтиб, Абдуллажон ҳарбий билим юртининг курсанти бўлди. Иродали, хушфеъл, чайир ва ғайратли йигит ҳаш-паш дегунча офицер бўлиб етишди.

Тез орада улар ўғилларини уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. Абдуллажонни онасининг ўзи танлаган гўзал қизлардан бирига уйлантириб, муродларига етдилар. Энди ота-она набиралар кўриш, уларнинг тўйларини ўтказиш орзуси билан яшадилар.

Йиллар кетидан йиллар ўтаверди. Мукаррама аяни шифохонадан катта ҳурмат ва эҳтиром билан нафақага кузатишди. Ая шундай бахтли кунида тўнғич ўғил Абдулла ёнида бўлиб, шодлик ва қувончли дақиқаларда ҳамроҳ бўлмаганидан кўнгли чўккандек эди. Чунки ўғил фақат йиллик таътилга чиққандагина уларнинг олдига келар эди. Соғинч кўз ёшлари билан кутилган ўғил она бағрида ўзини бахтиёр ҳис этарди. Онаизорининг майин қўллари унинг сочларини силар, кенг елкаларини меҳр билан сийпар, унинг борлигига шукрона айтар эди. Она боласини ёмон кўзлардан, ўт, сув, туҳмат балосидан асрашини Оллоҳдан ўтиниб сўрарди. Шу аснода, она-бола орзусининг амалга ошгани иккала қалбга ҳам куч-қувват бахш этарди.

Аммо у узоқ ўлкаларда хизмат вазифасини бажариб юрган кезларда отаси тўсатдан вафот эди. Катта ўғил бўла туриб, отасини сўнгги йўлга кузатиш армон бўлди.

Кейинроқ Мукаррама аянинг қаттиқ тоби қочиб қолди. Туман, қишлоқ шифокорлари бир тан-у, бир жон бўлиб, аяни оёққа турғизишди. Мукаррама ая нафақат фарзандларининг жонкуяр аяси, балки қишлоқ аҳлининг ҳам жонкуяр ва севимли ҳамшира аяси эди-да.

Аввалларида ая одатда, пойтахтга доим шошиб келар, фарзанд ва набираларини кўриб, бир кундан кўп турмасдан қишлоғига кетиб қоларди. Шароит тақозоси билан онахон севимли фарзанди уйида қолиб кетди.

Кунларнинг бирида онахон ҳеч кутилмаганда ўғли ва келинига ўз узрини айтиб, қишлоғига кетишга шайланди. Абдулла эса ҳеч нарсага тушунмай қолди.

Ая қишлоғига қайтгач, яна оғирлашиб қолди. Саросимага тушган оила аъзолари тезда катта акага «сим» қоқишди. Абдулла ҳам Андижонга зудлик билан етиб келди. Онанинг аҳволи ўнгланиш ўрнига аксинча, оғирлашиб борарди.

Онахон иккаласи холи қолган пайтларида юрагини тирнаб келаётган аламини ўғлига тўкиб солмоқчи бўлди. Аммо тилини тишлади. Ўғлининг қалбига озор бериб қўйишдан чўчиди. Ўғлига айтмоқчи бўлган гапларини у ўз-ўзига такрорларди:

«Ўғлим, ўйлаб-ўйлаб, сени огоҳ қилишни лозим кўрдим. Гапнинг очиғи, сенга лойиқ келин топмаган эканман. Тошкентда уйингда турганимда: «Онам мунча қишлоғига шошади», деб ҳайрон бўлгандирсан. Сабаби хотининг сенинг олдингда ўзини хушмуомала ва сертакаллуф кўрсатар, йўғингда эса тўнини тескари кийиб, ўзгарарди, қоларди. Сени сирти ялтироқ, ичи қалтироқ хотинга уйлантирганимдан афсусдаман». Шу гапларни ўғлига айтсинми? Лекин энди кўп сувлар оқиб ўтган. Она ўғлининг кўзларига тикилиб, уни ранжитишдан қўрқди. Ўғлини авайлади. Онасининг мунгли кўзларига тикилиб турган Абдулланинг юрагида қандайдир бир алам пайдо бўлди, кўзларига ёш қалқди. Ўғил онасининг қўлларини силаб: «Онажон, менга бир нима демоқчи бўлдингиз, айтмадингиз. Кўнглингизда не армон, дардлар бор? Дардингизни айтинг, юрагингизни очинг, онажон!»

Она зорланган ўғлининг қўлларини маҳкам қисиб: «Ўғлим, мени қанчалик ҳурмат қилишингни биламан. Сендан хурсандман. Берган оқ сутимни оқладинг. Эл-юрт хизматини қилдинг. Буларинг ҳаммасига ҳалол меҳнатинг билан эришдинг, болам! Мен сени ёшлигингдан шундай инсон бўлишингни орзу қилган эдим. Худога шукр, ниятимга етдим. Фарзандлариингни кўрдим, бир-биридан ширин набираларим бахтини кўриб яшагин, болам».

Шундан сўнг онаизор келининнинг «сиз келсангиз, ўғлингиз бизларга эътиборсиз бўладилар. Қишлоғингизда, болаларингиз бағрида яшайверсангиз нима қилади? Бизнинг тинчимизни бузяпсиз», деган сўзларини қайта-қайта эслади, аммо бу ҳолатнинг олдини олишга энди анча кеч бўлган эди. Онанинг ўғлига сабр-тоқат тилашдан ўзга чораси қолмади.

... Ҳафтанинг жума куни ая бандаликни бажо келтирди. Қишлоқ аҳли узоқ-яқиндан келган дардкашлар билан уни сўнгги манзилга кузатдилар.

Абдулла онаизорининг маъракаларини ўтказиб, бир неча кундан сўнг аламли кўз ёшлар билан Тошкентга қайтди. Ҳар дақиқа онаси бошини силаб тургандек бўлар эди. Йўлда хотини ва болалари ҳақида ўйлади: «Гуласал таъзиядан чиқиб кетгани ҳолда маъракага ҳам келмади, нима бўлди экан, қўнғироқ қилиб сўрамади ҳам. Болаларим тинчмикин?» Шу хил хаёллар билан қандай уйга етиб келиб қолганини ҳам билмади. Эшик қўрғироғини босди. Бир зумда эшик олдида ноз карашмалар билан шодон ҳолда Гуласал эрини кутиб олди. Бу ҳолат Абдуллага ёқмади. Кийимларини тезда алмаштириб, ишга чиқиб кетди. Сўз қотмаган эридан Гуласал ўпка қилди. Кечқурун дастурхон атрофида ўтирганларида хотини онаси ҳақида яхши сўзлар айта бошлади. Шунда катта ўғли: «Бувимларни ҳар кун жеркирдингиз, энди қутилдингизми?» деб қолса бўладими. Абдулланинг бошидан совуқ сув қуйилгандек бўлди, лекин бир сўз демай, хаёлга чўмди, «онам нимадир демоқчи бўлдилар, демадилар. Демак, онам Гуласалнинг сиқувидан безиб қишлоққа кетиб қолган эканлар-да?»

Оҳ, онажон! Дардларингизни ичингизга ютиб кетдингиз-а! Сизнинг бошингиздан юзта Гуласални айлантирсам кам. Ҳар доим «ўзингни эҳтиёт қил, болам», деганларингиз икки юзламачи хотиндан эҳтиёт бўл, дея огоҳлантирганингиз эмасмикан? Онажон, энди қайга бош урай, кимга дардимни айтай? Сизгина мени сўзсиз тушунар эдингиз, энди ҳеч ким тушунмайди, ҳеч ким...


Баҳром МУРОДОВ.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ЯРАТИЛДИ


Ғарбий Европанинг А400М русумли истиқболли тактик ҳарбий-транспорт самолёти FLA (Future Large Aircraft) дастури доирасида Франциянинг «Аэроспасьяль», Буюк Британиянинг «Бритиш аэроспейс», Германиянинг DASA ва Испаниянинг CASA фирмалари ҳамкорлигида ишлаб чиқилмоқда. Самолётнинг кучланиш қурилмаси ҳар бирининг қуввати 8253 кВт бўлган тўртта ТР400-Д6 русумли турбовинтли двигателдан ташкил топган. Самолётнинг борт радиоэлектрон жиҳозлари таркибига юқори аниқликка эга бўлган навигация тизими, ахборотни акс эттириш воситалари, шу жумладан, рангли кўп функцияли дисплейлар ва олд ойнадаги индикаторлар киради.

А400Мнинг асосий тактик-техник тавсифлари қуйидагича: экипаж 2-3 кишидан иборат, максимал кўтарилиш оғирлиги 130 т (юксиз – 76,5 т), фойдали юк олиш оғирлиги 32 т, максимал учиш тезлиги 555 км/соат (М=0,72), максимал учиш узоқлиги 4444 км (фойдали юк оғирлиги 30 т бўлганда) ва 6389 км (20 т бўлганда), бошқа жойга учиб ўтиш (перегон) узоқлиги 8797 км. Ёқилғи тизимининг максимал сиғими 64030 литр. Ҳарбий-транспорт самолёти ҳавода ёқилғи қуйиш тизими билан жиҳозланган, сиғими 16250 л бўлган қўшимча бак ўрнатиш имконияти ҳам кўзда тутилган. Ҳажми 356 м³ бўлган юк бўлмасига барча асосий қуроллар намуналарини, масалан, зирҳли жанговар машиналар, АН-64, «Тигр» ва NH-90 вертолётлари, шунингдек, артиллерия қуроллари, жумладан 203 мм.ли М110А гаубицалари ва бараварига (залп) реактив ўт очиш тизимини жойлаштириш мумкин. Самолёт 120 нафаргача тўлиқ таъминланган ҳарбий хизматчиларни олиб учишга қодир. А400Мнинг геометрик ўлчамлари: қанот кўлами 42,36 м, фюзеляж узунлиги 39,09 м (қўшимча ёқилғи қуйиш устуни билан 45,1), баландлиги 14,68 м, юк майдони 92,4 м. Ҳозирда унинг биринчи намунаси ишлаб чиқарилган. Учиш синовлари 2009 йил охирида бошланиши режалаштирилган. Ушбу самолёт асосида транспорт-ёқилғи қуйиш самолётини яратиш кўзда тутилган.



ИЗ ТОКИО ДО США – ЗА 5 ЧАСОВ

Специалисты японского аэрокосмического исследовательского агентства JAXA с 2007 года ведут НИОКР в области создания малошумных сверхзвуковых летательных аппаратов (ЛА). В частности, в 2012 году планируется начать испытания опытного образца ЛА S3TD (Silent SuperSonic Technology Demonstrator) длиной 10 м. Целью работ является уменьшение в 2 раза интенсивности ударной волны при преодолении сверхзвукового барьера, а также снижение шума при взлете и посадке. ЛА, способный при взлете из Токио за 5 часов достичь побережья США, планируется разработать к 2015 году. Эти исследования стали продолжением программы «Сверхзвуковой транспортный самолет», в результате реализации которой в 2005 году в воздух поднялся ЛА «Некст-1» длиной 2 м. Размер ежегодного финансирования программы правительством Японии составляет около 200 млн. долларов США.



ЗАМОНАВИЙ ҚУРОЛЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН

Украинанинг Т-84У «Оплот» русумли асосий жанговар танки А.А.Морозов номли конструкторлик бюроси мутахассислари томонидан Т–84 танки асосида ишлаб чиқилган. У стандарт тузилишга эга: бошқарув бўлими олд қисмида, жанговар бўлим – марказда (башняда), мотор-трансмиссия қисми эса корпуснинг орқа томонида жойлашган.


Танкнинг асосий тактик-техник тавсифлари қуйидагича: экипаж уч кишидан иборат, жанговар оғирлиги 46 т, узунлиги (тўп билан) 9,7 м, корпус бўйича – 7,7 м, эни (борт экранларисиз) 3,6 м, баландлиги (башня томигача) 2,2 м, клиренс 0,5 м. Танк қуввати 1200 от кучига тенг бўлган суюқлик билан совитилувчи 6ТД–2 дизель двигатели ҳамда шосседа максимал тезликни соатига 70 км.гача етказиш имконини берувчи гидромеханик трансмиссия билан жиҳозланган. Ёқилғи баклари сиғими 1200 л, ёқилғи бўйича юриш захираси шоссе бўйлаб 450 км, ўнқир-чўнқир жойлар бўйлаб – 350 км.

Т-84У «Оплот»га қуйидаги қуроллар ўрнатилган: 125 мм.ли юмшоқ стволли КБАЗ тўпи (жанговар комплекти 43 та отишга мўлжалланган, шу жумладан 28 таси ўқлаш автоматида); тўп билан жуфтлаштирилган 7,62 мм.ли ПКТ пулемёти (1250 та патрон), масофадан бошқарилувчи 12,7 мм.ли зенит қурилмаси (450 та патрон); тутун гранаталарини отиш тизими. Тўпдан ўт очиш, шунингдек, лазер нури бўйлаб бошқарилувчи реактив снарядлар билан ҳам олиб борилиши мумкин. Танк тунда кўриш асбоблари, оптоэлектрон қаршилик кўрсатиш комплекси, динамик ҳимоя, кумуляцияга қарши экранлар, шунингдек, фаол ҳимоя ва ствол канали эгилишини назорат қилиш тизимлари билан жиҳозланган.



ИМЕЕТ РЯД ПРЕИМУЩЕСТВ

ШИШИРИЛАДИГАН ХАВФСИЗЛИК КАМАРИ



Маълумки, илк бор 1955 йилда «Ford» компанияси машиналарни хавфсизлик камарлари билан жиҳозлади. Айни пайтда эса компания янгича камар ишлаб чиқармоқда.

Газ билан шишириладиган бундайин хавфсизлик камарлари орқа ўриндиқда ўтирган йўловчиларнинг қўшимча равишда ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади. Йўл-транспорт ҳодисаси маҳали янги камар 40 миллисекунд ичида совуқ газ билан шишади. Унинг сотувга чиқарилиши эса 2010 йилга мўлжалланган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ

САЙЁРАМИЗ САДОСИ



Президентлик сайловлари тан олинди

БМТ Бош ассамблеяси Афғонистонда ўтказилган ва ҳозирги давлат раҳбари Ҳамид Карзай ғалаба қозонган президентлик сайловларини эркин, адолатли ва ишончга сазовор, деб тан олди, дейилади РИА «Новости» агентлиги тарқатган хабарда. Маълумки, мазкур сайловларнинг биринчи турида йўл қўйилган қонун бузилишлари аниқланганидан сўнг иккинчи тур сайловлари 7 ноябрда ўтказилиши белгиланган эди. Аммо у муддатидан олдин якунига етди. Бунга давлат раҳбари бўлишга даъвогарлик қилаётган Абдулла Абдулланинг ушбу сиёсий кампанияда қатнашишдан бош тортгани сабаб бўлган. Шу боис Афғонистон Мустақил сайлов комиссияси ягона номзод – Ҳамид Карзайни мамлакат президенти, деб эълон қилди.



Берлин девори ағдарилганига 20 йил бўлди

Берлин девори ағдарилганининг 20 йиллик юбилейи муносабати билан Германия канцлери Ангела Меркель таклифига биноан 30 та етакчи давлатлар раҳбарлари Берлинга ташриф буюрдилар, деб хабар қилади «Интерфакс» агентлиги маҳаллий ОАВ хабарларига таянган ҳолда. Девор ағдарилиши рамзига айланган Бранденбург дарвозалари майдонида ташкил этилган маросимда Буюк Британия бош вазири Гордон Браун, Россия президенти Дмитрий Медведев, Франция президенти Николя Саркози ва АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон қисқача нутқ сўзладилар. Жумладан, Х. Клинтон ҳозирда Осиё давлатлари бўйлаб расмий ташрифда бўлган АҚШ президенти Барак Обама ўзининг махсус баёнотида 9 ноябрни Бутунжаҳон озодлиги куни деб эълон қилганини таъкидлаб ўтди.



Сариқ денгизда кемалар тўқнашуви

Сариқ денгизда, Корея яриморолининг ғарбий соҳиллари яқинида Жанубий Корея ва КХДР ҳарбий кемалари ўртасида отишма содир бўлди, деб хабар қилади Reuters агентлиги Жанубий Кореянинг «Ренхап» агентлиги маълумотига таянган ҳолда. Дастлабки маълумотларга кўра, юзага келган можаро натижасида жабр чекканлар йўқ. АР агентлиги аниқлашича, Жанубий Кореяга қарашли кема икки мамлакат орасидаги баҳсли чегарани кесиб ўтган КХДР кемасига қарши ўт очган, Шимолий Корея кемаси эса бунга жавоб қайтарган. Жанубий ва Шимолий Корея ўртасидаги денгиз тўқнашуви тафсилотлари хабар қилинмаган. Шу сабабли жабрланганлар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.



Вирусга қарши янги ниқоб

Хитойда бутун дунёга хавф солаётган A/H1N1 гриппи вирусига самарали қаршилик кўрсатишга қодир бўлган янги антивирус ниқоби яратилди ва ишлаб чиқарилди. Грипп бўйича миллий марказда ўтказилган тестлар мобайнида бундай ниқобларнинг A/H1N1 вирусига қарши самарадорлиги 92 фоизни ташкил этди, деб хабар беради. «Жэньминь жибао» газетасининг русча нашри «Синьхуа» агентлиги хабарига таянган ҳолда. Хитой фанлар академияси қошидаги тест маркази томонидан ушбу янги ниқоб устида ўтказилган тестлар натижаси ҳақидаги маърузада унда фойдаланилган материал инсон саломатлиги учун хавфли бўлган бактерияларнинг катта миқдорини йўқ қилишга қодир эканлиги айтиб ўтилган. Маълумотларга кўра, бу ниқобдан узоқ муддат фойдаланиш мумкин, ҳатто ювилганидан сўнг ҳам унинг ҳимоялаш функциялари тўлиқ сақланиб қолади.



«Имо-ишоралар тили» расман тан олинди

Венгрия парламенти кар-соқов кишиларнинг «имо-ишора тили»ни мамлакатдаги расмий тил деб тан олди, дейилади РИА «Новости» агентлиги хабарида. Давлат мажлиси депутатлари «Венгер имо-ишоралар тили тўғрисида» ва «Венгрияда имо-ишоралар тилидан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларни бир овоздан қабул қилдилар. Экспертлар фикрига кўра, мазкур янгилик турли давлат хизматлари ва мамлакат муассасаларида ёмон эшитувчи одамлар билан мулоқотни енгиллаштиради, уларни ишга қабул қилиш ва ёлланда янги имкониятлар очади. Қонунпушунослар ҳисоблашича, имо-ишоралар тилининг «мустақил, табиий венгер тили» сифатида тан олиниши венгер жамиятининг кар-соқов вакиллари ҳуқуқини турли ҳаётий вазиятларда тўла маънода ҳимоя қилиш имконини яратади.



Йўл икки баробар қисқаради

Келаси йилдан бошлаб Санкт-Петербург–Хельсинки йўналиши бўйича юқори тезликдаги поездлар қатнови йўлга қўйилади. Бу йўлга кетадиган вақтни икки баробар қисқартириш имконини беради. Мазкур поездлар тезликни соатига 200 километргача етказа олади, бу эса йўналиш учун ҳозирда сарфланаётган 6–7 соат вақтни 3,5–4 соатгача камайтириш имконини беради. Йўналиш бўйича аввал учта, кейинроқ эса тўртта состав ҳаракат қилади, деб хабар беради TourDaily.ru.

(www.NEWSru.com).

ТАБИАТ

БИРИНЧИ «ЙЎЛБАРС САММИТИ» РОССИЯДА ЎТАДИ



Ҳа-ҳа, нотўғри ўқидим, деб ўйламанг. Дунё тарихидаги биринчи «йўлбарс саммити» Россияда ўтказиладиган бўлди. Россиянинг WWF матбуот-хизмати хабар беришича, бу ҳақда Россия Федерацияси табиий ресурслар ва экология вазири Юрий Трутнев йўлбарслар масаласи бўйича Катманду (Непал) шаҳрида бўлиб ўтган глобал семинарда маълум қилган.

«Йўлбарс – бу, шубҳасиз, сайёрамиздаги энг гўзал ва мафтункор ҳайвонлардан биридир. Россияда уларнинг энг йирик популяциялари (гуруҳи)дан бири яшайди ва биз унинг ривожланиб бориши учун барча имкониятлардан фойдаланаяпмиз. Мен келажак авлодлар йўлбарсни нафақат гравюра, расм ва суратларда, балки тирик ҳолда кўришига биргаликда эришишимизни истардим. Мен сизларни ҳамкорликдаги ишни давом эттириш учун 2010 йилда Россияга таклиф қиламан», – деб баёнот берди вазир.

2008 йилнинг июнь ойида Бутунжаҳон банки гуруҳи президенти Роберт Зелик йўлбарсларни сақлаш ва тиклаш стратегиясини ишлаб чиқиш учун 2010 йилда юқори даражада халқаро «йўлбарс саммити»ни ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

2009 йил апрелида Россиянинг WWF директори Игорь Честин мамлакат бош вазири Владимир Путинга ушбу саммитни Россияда ўтказиш таклифи билдирилган хат йўллади. «Россия – ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб йўлбарслар сони анча ошган, сўнгги ўн йил ичида эса барқарор бўлиб турган дунёдаги ягона мамлакатдир, – деб ҳисоблайди И.Честин. – Шу сабабли «йўлбарс саммити»ни айнан мамлакатимизда ўтказиш мантиқан тўғри бўлар эди». 2009 йил июлида Табиий ресурслар ва экология вазирлиги Роберт Зелик номига йўллаган мактубида Россия 2010 йилда саммит ўтказишга тайёр эканлигини билдирди. Октябрда эса Бутунжаҳон банки Россия ташаббусини маъқуллади.

Айнан масала моҳиятига келсак, йўлбарсларни сақлаш билан боғлиқ вазият жуда танг аҳволга келиб қолган, дейиш мумкин. Сўнгги юз йил ичида уларнинг сони 25 баробарга, яъни 100 мингдан 4 мингтача камайиб кетган. Бунинг устига бу камайиш узлуксиз давом этмоқда. Масалан, энг кўп йўлбарслар яшовчи Ҳиндистонда 1995–2005 йиллар мобайнида уларнинг сони 3,5 мингдан 1,3 мингтача камайган. Бир қатор минтақалар – Кавказорти, Ўрта Осиёда, Бали ва Ява оролларида йўлбарслар бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Йўлбарслар сони улар яшайдиган жойларнинг йўқ қилиниши, браконьерлик, аҳоли кўп бўлган туманларда одамларнинг ҳаётига хавф солаётган йўлбарслар мажбуран отилаётгани сабабли камайиб бормоқда.

ҚУРБАҚАЛАРНИНГ ФАНГА НОМАЪЛУМ ТУРЛАРИ ТОПИЛДИ

Германия, Испания ва Италиядан бўлган олим-биологлар гуруҳи Мадагаскар оролида фанга маълум бўлмаган 130 хил қурбақаларни топди. Олимлар мазкур оролдаги думсиз, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи Ranidae оиласи устида олиб борган 15 йиллик тадқиқотлари борасидаги оламшумул натижаларни Proceedings of the National Academy of Sciences номли илмий журналда чоп эттиришган, деб хабар беради Der Spiegel.

Ундаги маълумотларга кўра, олимлар катта қурбақалар ва уларнинг болаларини оролнинг турли ҳудудларидан тўплашган, сўнгра уларни молекуляр-генетик усуллар ёрдамида ўрганишган. Шу йўл билан олимлар умумий ҳисобда 130 хил фанга умуман номаълум бўлган, маълумларидан нафақат генетик жиҳатдан, балки ташқи белгилари бўйича ҳам фарқланувчи қурбақа турларини аниқлашга эришганлар

«Кўпчилик одамлар сайёрамизда яшовчи ҳайвонлар ва ўсимликларнинг барча турлари аллақачон маълум бўлган, деб ўйлашади. Аммо айнан ҳозир кашфиётларнинг янги асри бошланди ва кўплаб турлар уларнинг топилиши ва илмий ном берилишини кутмоқда», – деб ҳисоблайди Мадагаскардан келтирилган биоматериаллар тадқиқотини ўтказаётган Брауншвейг университети ишчи гуруҳи раҳбари Мигель Венсес.

Мадагаскар ороли қитъадан тахминан 150 миллион йил аввал ажралиб чиққан. Ўша даврлардан буён Германия ҳудудидан деярли 1,5 баробар катта бўлган ушбу оролда ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси юзага келган. Уларнинг кўплаб турлари фақат



шу ерларга хос, дунёнинг бошқа бирон ерида учрамайди. Бундан ташқари, Мадагаскарда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган фанга маълум 6450 хил ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшовчи ҳайвонот турларининг 43 фоизини учратиш мумкин.

«Шунинг учун ҳам олимларнинг янги топилмалари оролдаги атроф-муҳитни ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда дунёнинг энг камбағал давлатлари қаторига кирувчи ушбу мамлакат ўз ноёб табиатини қўриқлаш бўйича катта саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда», – деб таъкидланади журналда.

ҚИШКИ «УЙ-ЖОЙИ»ДАН АЙРИЛИШИ МУМКИН

Сайёрамизда яшовчи энг ажойиб капалак, яъни монарх капалаги Мексикада ўрмонларнинг тез суръатларда кесилиб бораётганлиги сабабли ўзининг анъанавий қишлов жойларидан айрилиши мумкин, деб хабар беради РИА «Новости» агентлиги табиатни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон жамғармаси Мексика бўлими фикрига таянган ҳолда.

Қанотларининг юқори қисми қизғиш-жигар ранг, пастки қисми эса оқиш ранг бўлган монарх капалаги дунёдаги энг гўзал ва нафис капалак ҳисобланади. Шу сабабли унга «монарх» деб ном берилгани ҳам тасодиф эмас. Бу капалакнинг ноёблиги шундаки, у фақат Мексика тоғларидаги белгиланган ва жуда кичик райондаги «қишки квартиралар»га қишлов учун келади. Баҳорда эса улар тухум қўйиш ва ҳалок бўлиш учун Шимолий Америкага қайтади.

Тухумларда капалак қурти, ғумбаклар ривожланади ва капалакка айланади. Шундан сўнг монарх капалаклари яна шимолга учади, тухум қўяди ва улар ҳам ҳалок бўлади. Шундай қилиб, ёз давомида монархнинг беш авлоди алмашинади. Кузда сўнгги авлод вакиллари ўз жойларидан кўтарилиб, жануб томонга учишади ва у ерда ўта аниқлик билан қишлов жойларини топишади.

Ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан бўлган 150 мингдан ортиқ сайёҳлар ушбу ажойиб ҳодисани кўриш учун Мексикага ташриф буюрадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон жамғармаси маълумотларига кўра, ҳар йили Канада ва Шимолий Америкадан учиб келадиган миллионлаб монарх капалаклари қишлайдиган Мехико ва Мичоакан штатларидаги 56 минг гектар табиий ўрмонларнинг ярмидан кўпи сўнгги йиллар ичида кесиб ташланган.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг июль ойида ЮНЕСКО ташкилоти қанотлари кўлами тўққиз сантиметрга етувчи монарх капалаклари қишловини ўтказадиган мазкур жойларни инсониятнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритган.

М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.




ДОМ ДЛЯ СЛОНОВ-ПЕНСИОНЕРОВ

В конце этого года состоится открытие первого дома для престарелых слонов в Тайланде. Приют представляет собой небольшой заповедник площадью немногим больше 1 тыс.га. На его территории созданы все условия для комфортного проживания его обитателей, есть водоем, пастбища, посадки пальм и ананасов и даже мини-джунгли.

Несмотря на то, что официально дом для престарелых еще не открыт, первые постояльцы в нем уже живут. Сегодня в приюте уже проживают 30 старых слонов, включая ослепших старцев – 72-летнего Мае Хонг Сонна и 53-летнюю Пан Буа Кам, которые нуждаются в особом уходе. Всего территория мини-заповедника способна принять 200 животных.

На территории мини-заповедника функционирует ветклиника, за животными присматривают опытные погонщики.

На содержание уникального приюта ежегодно планируют тратить 3 млн. долларов из бюджета королевства.



ЕЩЕ 21 ВИД ЖИВОТНЫХ НА ГРАНИ ИСЧЕЗНОВЕНИЯ

ООН внесла еще 21 вид животных в международный список видов, находящихся на грани исчезновения, сообщает газета Independent.

В частности, в «черный» список попали гепард, иравадийский дельфин, африканский ламантин, серо-голубая акула, сельдевая акула, африканская гиеновая собака, стервятник обыкновенный.

О расширении списка было объявлено на завершившейся Конвенции об охране мигрирующих видов, прошедшей в Риме. ООН обратилась к правительствам стран-членов организации с просьбой восстанавливать места обитания редких животных, очистить от препятствий их традиционные пути миграции.

UNEP, в частности, отметила, что меры по защите гепардов должны быть усилены на 80%. Эксперты отмечают, что популяции гепарда прекратили существование на территории 18 стран.

«Менее чем 10 тысяч взрослых гепардов в настоящее время обитают в Африке, при этом менее 50 особей этого вида осталось в Азии. Кроме того, гиеновых собак в Африке осталось менее 8 тысяч особей, сокращение их численности произошло в результате действий людей и распространившихся болезней», – отметили представители UNEP.

«Потеря мест обитания, чрезмерная охота на этот вид и недостаток эффективной программы восстановления популяции является, в частности, причиной стремительного сокращения численности гепардов», – говорится в сообщении.

Кроме того, по данным Всемирного союза охраны природы, почти четверть всех видов дельфинов мира находится под угрозой исчезновения.



ЁШЛАР

БЕЛЛАШУВ ҚИЗҒИН КЕЧДИ

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан келажагимиз давомчилари бўлган ёшларга катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг мукаммал шахс сифатида камол топишлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилингани ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларимиз ҳам бундай эътибордан мустасно эмаслар. Шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, йигитлик мактаби, деб аталмиш армия ёшларимизнинг катта ҳаётга қадам қўйишларида, уларнинг баркамол, жисмонан ва маънан шаклланишларида, жамиятда ўз ўринларини топиб олишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Эндиликда синов мактабини ўтаб қайтган мард ва жасур ўғлонлар мазкур имкониятдан фойдаланиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Энг қувонарлиси, жуда кўпчилик ёшлар олий ўқув юртлари талабаларига айланишди.



Бугун армия ҳаётида тобланган ана шундай талаба ёшлар олий ўқув даргоҳларида тартиб-интизоми, билими ва тиришқоқлиги, жамоат ишларида фаоллиги билан курсдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлмоқдалар. Шу боисдан ҳам улар доимо илғорлар сафида. Улардаги ана шундай изланувчанлик, фидойилик, ташаббускорлик ва етакчилик фазилатларини бошқа талабаларга ҳам ўрнак қилиб кўрсатиш мақсадида эса турли тадбирлар ташкил қилиш ва ўтказиш ҳам анъанага айланаяпти. Фикримиз далили сифатида яқинда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Юрт посбонларига Ватан ишончи» шиори остида илк бор ўтказилган «Ҳарбийлар беллашганда» деб номланган кўрик-танловни келтиришимиз мумкин.

Факультетлараро ўтказилган мазкур танловда жорий йил муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва ҳозирда институт талабалари сафидан жой олган ўғлонлар ўзаро беллашдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, беллашув жуда кўтаринки руҳда бошланди. Жамоаларнинг ҳар бир чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан одилона баҳоланиб борилди. Иштирокчи жамоалар танлов низомига кўра, учта шарт бўйича куч синашишди. Биринчи шарт таништирув деб номланиб, унда ҳар бир жамоа саҳна кўринишлари, куй-қўшиқ ёки шеър орқали ўзларини томошабинларга таништиришлари лозим эди. Ушбу шарт бўйича жамоаларнинг қай даражада тайёрланганлиги хусусида гапирадиган бўлсак, соҳалар менежменти факультетининг «Шунқорлар» ва тўқимачилик саноати технологияси факультетининг «Декан болалари» жамоасининг шартни бажариш чоғида куй-қўшиқ ва саҳна кўриниши орқали армия ҳаётидан қизиқарли лавҳалар ижро этишгани кўпчилик томошабинлар қатори ҳакамлар ҳайъатининг ҳам эътирофига сазовор бўлди. Улардаги ижодкорлик, куйлаш маҳорати, юморга бой қочиримлар томошабинларга янада кўтаринки руҳ бағишлади, десак янглишмаймиз. Шу билан бир қаторда енгил саноат технологияси факультетининг «Дизайнер» жамоаси ҳам ушбу шартда ўз иқтидорларини намойиш этишиб, юқори натижани қўлга киритишди. Улар ҳам саҳна кўринишлари орқали аскар ҳаёти ва олтин давр деб ном олган талабалик даврининг энг эсда қоларли воқеаларини юмор орқали ифода этишиб, томошабинларнинг давомли олқишига сазовор бўлишди. Улар эришган муваффақият эса шунқор йигитларнинг юксак билими ва иқтидоридан дарак бериб турибди.

Иккинчи – савол-жавоб шартида иштирокчилар учун тарих, фалсафа, миллий истиқлол ғояси фанлари юзасидан саволлар тақдим этилди. Унга кўра, ҳар бир жамоа белгиланган вақт ичида ушбу саволларга тўғри ва аниқ жавоб беришлари керак эди. Ушбу шарт иштирокчилар учун ҳаяжонли кечгани аниқ. Чунки улар шу шарт орқали қанчалик билим ва кўникмага эга эканликларини амалда намойиш этишди. Қувонарлиси, ушбу шарт бўйича деярли барча жамоалар юқори натижани қўлга киритишди.

Учинчи, арқон тортиш баҳси ҳақиқий марду майдонлар беллашуви бўлди, десак янглишмаймиз. Бу шарт ҳам жуда қизғин кечди. Томошабинларнинг қўллаб-қувватлашлари, олқишларидан мадад олган ҳар бир жамоа иложи борича рақиб жамоадан устунликка эришишга ҳаракат қилди. Мазкур шартда пахта саноати технологияси факультетининг жасур йигитлари биринчиликни қўлга киритишди.

– Ушбу кўрик-танлов жуда қизиқарли ўтди, десам янглишмайман, – дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, институт проректори Анвар Жўраев. – Йигитлардаги ғайрат, шижоат ва билимдонликни алоҳида таъкидласак арзийди. Жамоаларнинг берилаётган барча шартларни бажаришларидан кўриниб турибдики, улар танловга катта тайёргарлик кўришган. Шу боисдан ҳам ҳар бир жамоа ушбу баҳсларда имкон қадар юқори натижага эришишга ҳаракат қилишди. Йигитларнинг шартларни бажариш чоғида ҳарбийларга хос ғайрат ва тезкорлик билан ҳаракат қилишларини кўриб, тўғриси қувондик. Талабаларимиз орасида мана шундай билимли, изланувчан ва тиришқоқ ёшларнинг кўпайиши бизнинг ютуғимиз. Улардан ҳар томонлама ўрнак олса арзийди. Зеро, Ватан равнақи мард, жасур ҳамда юксак салоҳиятга эга келажак эгалари қўлида деб бежиз айтилмаган.

– Муддатли ҳарбий хизмат менга катта сабоқ берди, – дейди беллашув қатнашчиси Ином Ёқубов. – У ерда малакали офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳа сир-асрорларини мукаммал ўргандим. Шу билан бирга бўш вақтларимда қисм кутубхонасидан унумли фойдаландим. Бир сўз билан айтганда армия мени ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди. Олий ўқув юртига киришимда ҳам муддатли хизмат муҳим аҳамият касб этди. Энди олдимга қўйган олий мақсадларим сари олға интилаяпман. Бунинг учун ҳозирда билимларимни бойитаяпман. Келажакда ота-онам ишончини оқлаб, юртимиз тараққиёти учун астойдил хизмат қилмоқчиман.

– Ҳар бир инсоннинг ўз олдига қўйган эзгу орзу-ниятлари бўлади, – дейди яна бир талаба Элмурод Миралиев. – Агар инсон астойдил ҳаракат қилса, ушбу орзуларига етиши шубҳасиздир. Мен ҳам мана шу ақидага амал қилган ҳолда талаба бўлишдек улкан орзуимга эришдим. Бундан жуда ҳам бахтиёрман. Айни вақтда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларга берилаётган имкониятлару имтиёзлардан жуда хурсандман. Мана шундай ғамхўрликнинг самараси ўлароқ қанча-қанча йигитлар олий ўқув юртларида билим олиш имкониятига эга бўлишди. Биз эса ушбу эътиборга жавобан яхши касб эгаси бўлиш учун ўқиб-ўрганишимиз, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд бўлиб, ўз келажагимизни яратишимиз зарур, деб ўйлайман.

Ҳар бир жамоа йигитларининг тезкор ҳаракатларини, шартларни иложи борича белгиланган қоидаларга мос бажаришга интилаётганларини кўриб, уларнинг мусобақага астойдил тайёргарлик кўришганига амин бўлдик. Ниҳоят, беллашув ниҳоясига етди. Унга кўра ушбу баҳсларда тўқимачилик саноати технологияси факультетининг «Декан болалари» жамоаси аъзолари бошқа жамоаларга нисбатан анча кучли тайёргарликка эга эканлигини амалда исботлашиб, 1-ўринни қўлга киритишди. Барча ўйин шартларини бажаришда ўзларининг эпчиллиги, билими ҳамда истеъдодини кўрсата олган енгил саноати технологияси факультетининг «Дизайнер» жамоаси аъзолари эса иккинчи ўринга сазовор бўлди. Учинчи ўринга икки жамоа – соҳалар менежменти факультетининг «Шунқорлар» ва пахта саноати технологияси факультетининг «Таваккал» жамоаси ўғлонлари муносиб топилди. Ғолиб жамоаларга институт раҳбарияти томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар топширилди.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

Оилада ўғил фарзанд дунёга келса, Ватан ҳимоячиси, яқинларининг таянчи, оила қўрғони бўлади, дея катта умид боғлашади. Гулистонлик Отабек Сулаймоновни ҳам ота-онаси ана шундай руҳда тарбиялади. Фарзанд мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, Ахборот технологиялари коллежига ўқишга кирди. Таълим даргоҳида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанидан армия ҳақида олган илк сабоқлари унда соҳага бўлган иштиёқни янада кучайтирди.

Касб-ҳунар коллежини тамомлаб, қўлига етуклик шаҳодатномасини олган ўғлонга туман мудофаа ишларига бўлимидан чақирув қоғози келди.

Йигит синовлардан муваффақиятли ўтди ва муддатли ҳарбий хизматга йўл олди. Ўғлон командирлари берган сабоқларни пухта ўзлаштириб борди. Жанговар вазифаларни сифатли адо этиши билан хизматдош дўстларидан ажралиб турарди. Назарий ва амалий машғулотларда фаол посбон бўш вақтларини ҳам унумли ўтказиб, қисм кутубхонасига боришни канда қилмади. Хуллас, ҳар жабҳада етакчи аскар қисм қўмондонлиги томонидан берилган Тавсияномага муносиб топилди.

– Хизматга бориб келган қариндош ёки маҳалладош йигитлар билан суҳбатлашганимда улардаги қатъият, ўз кучига бўлган ишончга ҳавас билан қарардим. Армия менга ҳам кўп нарсани ўргатди, ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди, – дейди у. – Шунинг учун ҳам уни ҳаёт мактаби деб аташар экан.

Армияда кўплаб дўстлар орттирдим. Хизматнинг илк кунларидан бирга бўлган сафдошларим – оддий аскарлар Музаффар Алимов, Абдулатиф Раҳмонбердиевлар билан яқин дўстмиз. Улар ҳам Тавсияномани қўлга киритганлардан.

Айни дамда Отабек Тошкент ахборот технологиялари университетининг 1-босқич талабаси. Мақсади танлаган соҳасининг сир-асрорларини пухта эгаллаб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш.

– Ўғлим билан фахрланаман, – дейди унинг онаси Лутфия Сулаймонова. – Ўз тенгдошлари қатори юрт ҳимояси йўлида хизмат қилганидан жуда хурсандман. Фарзандимнинг Ватан юкига елка тутишга қодир эканлиги бахтимдир. Яна шуни айтиб ўтишим жоиз, ўғлим хизматдан қайтгач, дунёқараши ўзгаргани, ҳар бир ишни масъулият билан бажариши эътиборимни тортди. Отабекни хизматга жўнатганимдан сўнг ортидан хабар олгани борганимизда армияда аскарларга яратилган шароит билан яқиндан танишиб, қувондим.

Ишончимиз комилки, юксак мақсадларни кўзлаган ёшлар, доимо илдам қадам ташлаб, ўзлари кўзлаган чўққиларга етишади. Бу борада қаҳрамонимизга ҳам омад тилаб қоламиз.


Дилфуза РЎЗИЕВА.



ИННОВАЦИЯ

ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Нанотехнологияларни ишлаб чиқиш ва улар асосида хусусиятлари олдиндан белгиланган янги полимер материаллар яратиш бугунги кунда бутун дунёда фундаментал ва амалий илм-фаннинг энг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон олимлари ҳам фаол иш олиб бормоқда. Уларнинг инновация фаолияти натижалари иқтисодиётнинг турли жабҳаларида кенг қўлланилмоқда ва импорт ўрнини босадиган, ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини бермоқда. ЎзА мухбирининг Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик Сайёра РАШИДОВА билан суҳбати шу ҳақда бўлди.



– Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий эътибори туфайли Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантириш, унинг салоҳиятини ошириш, илмталаб, юқори технологик ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизация қилиш ҳамда жадаллаштириш мақсадида инновация фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун барча шарт-шароит яратилган, – дейди С. Рашидова. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августда қабул қилинган "Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ҳамда инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларининг базавий мансаб маошлари миқдори оширилди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бошдан кечираётган бугунги кунда нанотехнологиялар соҳасидаги изланишларни янада чуқурлаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг муҳим вазифаларидан бири инновация иқтисодиётини ривожлантириш, унинг етакчи тармоқларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, хусусан, кимё саноатини таркибий қайта ўзгартиришдан иборатдир.

Истиқлол йилларида илгари четдан олиб келинган турли полимер материаллар ва улардан ички ҳамда ташқи бозорда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ўнлаб йирик корхоналар барпо этилгани белгиланган вазифаларнинг самарали амалга оширилишига ёрдам берди. Бунда экологик хавфсиз, тежамкор технологиялар асосида маҳаллий хомашёдан тайёрланган ва импорт ўрнини босадиган полимер маҳсулотлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

– Бугун Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида қайси йўналишларда тадқиқотлар ўтказилмоқда?

– Институтда миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ юқори молекуляр бирикмалар тўғрисидаги фан соҳасида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда ва улар жаҳон илм-фанининг умумий йўналишларига мос келади. Институтимиз олимларининг изланишлари полимер тизимларда нанотузилмаларни шакллантириш механизмларини ўрганиш, уларни барқарорлаштириш, синтез, тузилма ҳамда хусусиятлар ўртасида боғлиқлик ўрнатиш орқали нанополимер материалларнинг янги авлодини яратишга қаратилган. Синтез жараёнларини тадқиқ этиш, табиий ва синтетик полимерларни модификациялаш, биологик фаол полимер қоришмаларни, шунингдек, нанотузилмали полимер аомпозитларни яратиш ниҳоятда истиқболли ҳисобланади. Буларнинг барчаси кўплаб инновация технологияларини, шу жумладан, ярим ўтказгичлар, сенсор мосламалар, янги доривор воситалар, турли машиналар эҳтиёт қисмлари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Масалан, биологик фаол полимер тизимлардан фойдаланган ҳолда, табиий ва синтетик полимерлар ҳамда уларнинг қоришмалари асосида уруғларни капсулалаш услуби ёрдамида экишдан олдин тайёрлашнинг экологик хавфсиз технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технология маҳаллий хомашё – табиий шойи ишлаб чиқариш ва пахта тозалаш саноати чиқиндиларидан олинган полимер маҳсулотларни қўллашга асосланган бўлиб, мавжуд экотизим ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. Ғоят самарали ва экиш сифатини яхшилайдиган уруғдорилагич – ЎзХитАН препарати ишлаб чиқилди. Давлат кимё комиссияси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ушбу технология ва препаратни қўллашга рухсат этилди. Бунинг учун патент ва «Капсулаланган уруғлар» товар белгиси олинди.

Чигитни капсулалаш технологияси Намангандаги «Миришкор», Андижондаги «Андижон-Сара уруғ» қўшма корхоналарида, Риштон пахта тозалаш заводи (Фарғона вилояти) ва «Юлдуз» очиқ акциядорлик жамиятида (Қорақалпоғистон Республикаси) муваффақиятли жорий этилди.

– Институт олимлари томонидан синтезланган полимерларни бошқа соҳаларда қўллаш юзасидан қандай амалий ишлар олиб борилмоқда?

– Мисол учун, маҳаллий хомашё асосида грипп ва ўткир респираторли вирусли инфекциянинг олдини олиш ҳамда даволаш учун вирусга қарши интерферонининг полимер индукторларини олиш технологияси ишлаб чиқилди. «ЦелАгрипп» препарати барча тиббий-биологик ва клиник синовлардан муваффақиятли ўтди ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Доривор воситалар ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш бўйича бош бошқармаси томонидан амалиётда қўллаш учун рухсат этилди.

Институт қошидаги тажриба корхонасида ўз технологияларимиз бўйича иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида қўллаш мумкин бўлган хитозиннинг янги табиий полимери ва йилига 250 минг тагача юқори даражада намланувчи тиббий пахта ўрами ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бундан ташқари, пахта линтидан газ ва нефтни қайта ишлаш саноати ҳамда гидрометаллургия эҳтиёжлари учун сувда эрийдиган, юқори даражада ёпишқоқ карбосиметилцеллюлоза ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш борасида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Келгуси йили «Карбонам» масъулияти чекланган жамияти базасида уни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

«Шўртан газ-кимё» мажмуида катта миқдорда полиэтилен ишлаб чиқарилаётганини ҳисобга олган ҳолда, институтимизда полиамид-6, монтмориллонит ва полиэтилен асосида нанокомпозитларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда. Нанотехнологиялардан фойдаланиш юқори даражада иссиқлик ва ўтга чидамли, бошқа ҳимоя хусусиятларига эга композицион полимер материаллар олиш имконини берди.

Таъкидлаш жоизки, бу йўналишда мамлакатимизнинг бошқа илмий муассасалари, олий ўқув юртлари ҳам фаол иш олиб бормоқда, уларнинг инновация фаолияти катта иқтисодий самара бермоқда.

– Кейинги йилларда янги полимер материалларни яратиш соҳасида ушбу муассасалар томонидан қандай муҳим натижалар қўлга киритилди?

– Давлат томонидан ажратилаётган грантлар асосида олий ўқув юртларида полимер тизимларни ўрганиш бўйича катта инновация ишлари амалга оширилмоқда. Масалан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқариш чиқиндиларидан «Полибазин», «Полнамидин», «Медапек», «Бензапек» каби самарали доривор препаратлар ишлаб чиқилиб, бугун тиббиёт амалиётига жорий этилмоқда, модификацияланган крахмал олиш услуби яратилди.

Композицион материалларда нанозарралар хусусиятлари, таркибига металл нанозарралари киритилган сопол материаллар асосида иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантириш имконияти ўрганилмоқда. Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Тошкент кимё-технологиялари институти, Тошкент давлат техника университети, республикамизнинг бошқа илмий муассаса ва олий ўқув юртлари олимларининг биргаликдаги тадқиқотлари давомида университет кафедраларида қатор интерполимер комплекслар ва материаллар ишлаб чиқилди. Улардан қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда фойдаланиш мумкин, айримлари ҳозирданоқ қўлланилмоқда.

Тошкент кимё-технологиялари институтида занглашнинг янги, самарали анипирентлари, антиоксидантлари, фотостабилизаторлари, ингибаторлари, бириктирувчи агентлар ва пластмасса, резиналарга, нефть маҳсулотларига қўшимчалар сифатида ишлатиладиган қатор бошқа бирикмаларни олиш услублари ишлаб чиқилди. Шунингдек, маҳаллий материаллардан тўлдиргичли композитларни яратиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Сифатли пахта целлюлозасини олиш учун пахта хомашёсини тозалашнинг янги услуби, уни кимёвий қайта ишлаш ва таркибида целлюлоза бўлган маҳаллий хомашёдан қоғоз ишлаб чиқариш учун экологик тоза технологиялар ишлаб чиқилмоқда.

Бухоро давлат университетида ресурс ва энергия тежовчи янги технологияларни ишлаб чиқиш, ип-газламага гул босиш жараёнида қўлланиладиган крахмал ҳамда бошқа сувда эрийдиган маҳаллий хомашё ресурсларидан юқори малакали қуюқлаштирувчи моддалар олиш бўйича кейинги ўн йилда жуда фойдали тадқиқотлар амалга оширилмоқда. «Бухоротекс» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ва «Имиж-Текстиль» масъулияти чекланган жамиятида тажриба-ишлаб чиқариш синовлари ўтказилди.

Маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан композиция материалларини яратишда «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Минерал хомашёни майдалаш ва тозалашнинг универсал услублари, нефть-кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати қувурлари ҳамда узелларини чиришдан ҳимоя қилиш учун кимёвий барқарор қопламалар, янги қурилиш материаллари, тўқимачилик материалларини бўяш бўйича импорт ўрнини босувчи технологиялар, техника ва электр техника керамикасини ишлаб чиқариш технологиялари, экологик хавфсиз, ишқаланишга қарши, ейилишга чидамли, тебранишни ўзига сингдирадиган, овоз ажратадиган композиция материаллари ҳамда қопламаларини яратиш корхонанинг муҳим илмий йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон олимларининг хусусиятлари олдиндан белгиланган янги полимерларни ўрганиш ва яратиш соҳасидаги фундаментал ҳамда инновация ишлари натижалари жаҳон илмий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда. Хорижий ҳамкасблар билан ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказилмоқда, ўзбекистонлик олимлар ушбу мавзудаги халқаро конференцияларда мунтазам маърузалар қилмоқда.

Олимларимизнинг ишлаб чиқарувчилар билан ҳар йили ўтказиладиган инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркаларида биргаликда иштирок этишига қаратилган ишларини мувофиқлаштириш реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида илмий натижаларни жорий этишни тезлаштириш, уни инновацион ривожлантириш, ўзимизда тайёрланаётган товарларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш, пировард натижада мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ТАРАҚҚИЁТ

Қарор ва ижро

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САМАРАСИ

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган Маҳаллийлаштириш дастури доирасида барча жойларда янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда ва кўпайтирилмоқда.

"Энерготаъмир" ихтисослаштирилган таъмирлаш корхонаси кучланиш трансформаторларининг ўрамлари блокини ишлаб чиқариш бўйича йиллик дастурни бажарди. 2009 йил бошидан буён бу ерда юқори ва паст вольтли трансформаторлар учун кўзда тутилган 200 ўрам тўплами ўрнига 280 дан ортиқ ўрам тўплами ишлаб чиқарилди.

Мамлакатимиз энергия тизимининг энергия ускуналарини махсус, капитал ва ўрта таъмирлаш, уларни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш, шунингдек, ностандарт ускуналар, эҳтиёт ва бутловчи қисмларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш корхонанинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ушбу янги маҳсулотни ишлаб чиқариш корхонанинг пойтахтимиздаги 2-цех ва Каттақўрғондаги 9-цехи жамоалари томонидан ўзлаштирилди. Бунинг учун зарур ускуналар, ўраш дастгоҳлари сотиб олинди. Махсус лабораторияда маҳсулот сифати синовдан ўтказилмоқда.

– Ўрамлар блоки кучланиш трансформаторларининг конструктив эҳтиёт қисмларидан биридир, – дейди пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган энергия корхонаси цех бошлиғи Зоир Ажиалиев. – Тажриба ишлаш пайтида уларга кўпроқ зарар етишини кўрсатмоқда. Яқин вақтгача бу эҳтиёт қисмлар четдан келтирилар эди. Трансформатор нархи қиммат электр техника ускуналари сирасига киради. Ўрамларни алмаштириш баҳоси сотиб олинадиган янги трансформатор қийматининг 20 фоизига тенгдир. Ҳозир тармоқ бўйича ўтадиган электр энергиясини 380 вольтгача пасайтириш имконини берадиган кичик форматли трансформаторлар ўрамларини алмаштириш учун буюртмалар тушмоқда. Бу трансформаторлар саноат, ирригация ва бошқа тармоқларда кенг қўлланилмоқда. Шуниси эътиборлики, кучланиш трансформаторларининг муҳим эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш даражаси 85-90 фоизни ташкил қилади. Бунда асосан мамлакатимизда сотиб олинаётган эмаль-симлардан фойдаланилмоқда.

Электр энергетикаси тармоғида кучланиш трансформаторларининг ўрамлари блокини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январда қабул қилинган "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида"ги қарори доирасида маҳаллийлаштирилаётган беш турдаги маҳсулотнинг биридир.

Маҳаллийлаштирилган янги маҳсулотни ўзлаштириш икки томонлама фойдалидир. Аввало, корхонада 10 та янги иш ўрни яратилди. Маҳаллийлаштириш дастури самарадорлигининг яна бир жиҳати ички эҳтиёжни рағбатлантиришдан иборат. Трансформаторларни таъмирлаш орқали маблағ тежашга эришган буюртмачилар улардан ишлаб чиқаришни ривожлантиришда фойдаланиш имконига эга бўлади.

ЎзА.

МОДЕРНИЗАЦИЯ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Реал секторнинг асосий тармоқларидан бири бўлган энергетикани техник ва технологик янгилаш Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим натижасидир.

Айни пайтда ушбу тармоқда мамлакатимиз энергетика салоҳиятини янада юксалтириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, истеъмолчиларни электр ҳамда иссиқлик энергияси билан ишончли ва сифатли таъминлашга қаратилган ўнлаб инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилмоқда. Шунингдек, электр станциялари қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергия ишлаб чиқариш жараёнида кўмирдан фойдаланишни кўпайтириш ҳисобидан энергия сарфи, табиий газ улушини камайтиришга доир аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг энергетика салоҳияти энергетика мувозанати тузилмасини шакллантириш бўйича жаҳон тенденцияларига мос келади. Жаҳон энергетикасида ёқилғининг бир турини иккинчиси билан алмаштириш тенденцияси кўмир истеъмол қилишни кўпайтириш билан бир қаторда нефть, нефть маҳсулотлари ва газ улушини камайтириш орқали шакллантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009–2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорида мамлакатимизда кўмир қазиб олишни кўпайтириш истиқболлари белгилаб берилган.


«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиз кўмир тармоғини ривожлантиришга оид узоқ муддатли дастур ишлаб чиқилган. Дастурдан кўзланган мақсад электр энергиясини ишлаб чиқаришда ёқилғи тузилмасида кўмирдан фойдаланиш улушини кўпайтириш, аҳоли, бюджет муассасалари, иқтисодиёт бошқа тармоқларининг қаттиқ ёқилғига нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини қаноатлантириш, қўшимча иш ўринларини ташкил этишни таъминлайдиган шарт-шароитни яратишдан иборат.


Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурида кўмир қазиб олиш ҳамда очиш ишларини босқичма-босқич кўпайтириш кўзда тутилган. Ҳукуматимиз томонидан «Янги Ангрен ИЭС қозонларини йил давомида кўмир ёқишга ўтказиш ва «Ангрен» конини техник қайта жиҳозлаш ҳисобга олинган ҳолда 8-энергия блокини қуриш» лойиҳасининг техник-иқтисодий асоси тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 июлда қабул қилинган 2009–2010 йилларда энг муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва технологик ускуна сотиб олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ ушбу лойиҳани амалга ошириш муддати 14 ойга қисқартирилди.


Кўмир конларини комплекс равишда қазиш, кўмир билан биргаликда қазиб олинаётган каолин, оҳак, гипс, тошқотишма ва бошқа фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз хомашё базамизнинг мавжудлиги импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар – сопол, санфаянс, ўтга чидамли ғишт, технологик аралаш тармоқларда изоляторларни тайёрлаш бўйича ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда янгиларини ташкил этиш имконини беради.

Кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар Ўзбекистон кўмир саноати ривожини янги босқичга кўтариш, унинг экспорт салоҳиятини сезиларли равишда оширишга кўмаклашади.

В. РУДАКОВА,
ЎзА мухбири.







Рақамлар –тараққиётдан сўзлар

БАНК ТИЗИМИДАГИ БАРҚАРОРЛИК

Мамлакатимизни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор йўналишлари, Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастурининг жорий йилнинг 9 ойи мобайнида оғишмай амалга оширилиши иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига замин яратди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилянти. Бу эса ўз навбатида банк тизимининг барқарорлигини янада мустаҳкамламоқда.

Келинг, буни Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотлар мисолида кўриб чиқайлик.

Маълумотлар таҳлили йилнинг ортда қолган учинчи чорагида банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал секторидаги тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини ошириш мақсадида уларнинг ресурс базасини кенгайтириш бўйича муҳим чора-тадбирлар кўрилганидан далолат. Аниқроқ қилиб айтганда, бу сайъ-ҳаракатлар натижасида тижорат банкларининг жами капитали 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан жорий йилнинг 9 ойида 41,2 фоизга, банк активлари эса 30 фоизга ошди. Тижорат банкларининг сармоявий лойиҳаларни молиялашга ва корхоналарнинг, энг аввало, экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини кредитлашга йўналтирилган кредит қўйилмалари умумий ҳажми 34,3 фоизга ошди ва 8,4 триллион сўмга етди, уларнинг 78,3 фоизини инвестициявий мақсадларга мўлжалланган узоқ муддатли кредитлар ташкил этади. Аҳоли ва юридик шахслар депозитлари 50, 9 фоизга, шу жумладан, аҳоли депозитлари – 68,8 фоизга ўсди.

Хуллас, бу рақамлар мисолида иқтисодий ўсиш, юксалиш, демакки тараққиёт ва фаровонлигимизни янада аниқ ҳис этамиз.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.





МАЪНАВИЯТ

“ГУЛЛАРНИНГ РАЪНОСИ”

Абдулла Қаҳҳор “Яхши асар қазига ўхшайди, чайнайверсанг мазаси чиқади”, деб ёзганди. Айни шу фикрни Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романига муқояса этсак арзийди. Бинобарин, мумтоз адибимиз қаламига мансуб барча асарлар мукаммал чизгиси, бадиий мутаносиблиги, қиёфаларнинг бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Раъно — ёзувчи тасвиридаги ботиний ва зоҳирий қиёфаси тўла очилган аёл образи ҳисобланади. Эҳтимол, Кумушбибидек гўзал ҳилқатнинг бадиий жилосини акслантирган Қодирий Раъно сиймосини янада гўзалроқ, назокатлироқ яратишга ички эҳтиёж сезгандир?! Саволимизга жавоб бўлгулик далилларни романдан излаймиз: “...Раънонинг исми жисмига ёхуд ҳуснига жуда мувофиқ тушган эди. Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўтирмас, шу ўринда сизга Раънонинг расмини кўрсатар-қўярдим, фақат менга **Раъно гулининг сувиг**ина кўпроқ керак бўлар эди”.

Гул азалдан аҳду паймон қилган кўнгилларнинг муҳаббат рамзи бўлиб қолган. Шул боис Қодирий суюкли қаҳрамонини ГУЛ тимсолига ҳамоҳанг алфозда тасвирлашга ҳаракат қилади. Бу муддао худди инсон вужудидаги қон томирлари мисоли асарнинг сюжет линиясида фаоллик кўрсатади. Дарвоқе, раъно гули атиргулдошлар оиласига кирадиган барглари майин, нозик танали, ўзидан латофатли ифор таратиб тургувчи ўсимлик эканлигини ҳисобга олсак, муаллифнинг раъно гулига иштиёқмандлиги яна бир карра ойдинлашгандек бўлади. Бу фикрнинг исботи мана бу тасвирда аёнлашади: “Таъбиримиз қўпол тушмаса, бу гўзал қиз, **оч раъно гули**нинг тусида, оқ-сариқ тусда яратилган эди... Раънонинг сочи гунгурт-қора, яъни қуёшсиз жойларда қора кўринса ҳам қуёшда бир оз сарғиш бўлиб кўринар эди”.

Тасвирдаги маҳлиқонинг ҳар жиҳатдан мукаммал қиёфасига синчиклаб назар ташлай туриб, ГУЛ сингари нафислик унинг истиқболидаги ўзгаришларга дебоча дейиш мумкин. Зотан, Кумушбиби Марғилонда туриб Отабекнинг Тошкентдан қайтишини нечоғлиқ ҳаяжон, интиқлик билан кутгани эсга олинса, Раънонинг ҳам гул-гул очилишининг сабаби бор. Хон саройидаги кундалик юмушларини бажариб қайтгувчи мирзо Анварнинг уйга қайтиши қизни баҳор нафасидек яшнатиб юборади. Лекин Раъно ботинида кечаётган замзамани бировга сездирадиганлардан эмас. Асардан олинган иқтибосда айни вазият мана шундай тасвирланади: “Юзи чўзиқ ҳам эмас, ойкулча ҳам деб бўлмас; кишига кулиб қараганда, қизил олма шакли ҳосил бўлар, гўё бизга **чин раъно гули** очилган ҳолатда кўринар эди”.

Дарҳақиқат, Раънонинг ички руҳияси Кумушбиби сингари ички мураккаблик, тўқнашувлардан ҳоли. Унинг соф муҳаббатига Зайнаб мисоли қора парда ташлаб турадиган персонаж йўқлиги, ҳар қадамда рақиб таҳдидини кутиш эҳтимолининг камлиги бош қаҳрамон тасвирини янада оригиналлаштиради. Унинг ГУЛ сифати янада қуюқлашади. Буни мирзо Анварнинг ўзи ҳам очиқчасига тан олади: “Бу гапни қўй, Раъно, ишонмасанг ойга қара, сенинг лабинг билан шу **қизил гул** ранги орасида фарқ борми, мана қара?..”

Раънога етишиш бахтини интиқиб кутаётган мирзо Анвар учун келажак қанчалик порлоқ бўлмасин, сармуншийлик ёрлиғини оғриниш, ички хоҳишнинг йўқлиги билан қарши олади. Сабаби, у бу лавозим учун кўз тикиб турган қора кучлар қачондир бош кўтаришини, Солиҳ махдумни мамнун қилган хабар бир кун келиб, қайғули муждага айланишини ботинан яхши биларди. Аммо зулмат рангига монанд булутлар боши узра сузиб юрган эса-да, ички хижилликни енгиб: **“Раъно гулини** искаш башоратига қойил бўлгандек...” ҳис этади.

Қодирийнинг ГУЛ ифорига ошиқлиги, бу ифорнинг Раънога монандлиги романнинг кейинги саҳифаларида ҳам жило топади: “Анвар супада, ўрда юмушларидан баъзисини таҳлил қилиш билан машғул... Майин бир шамол супа атрофидаги гулларни эринибгина қитирлатар ва қитирлатишдан **райҳонларнинг ўткир иси** ўқтин-ўқтин димоққа келиб урилар эди...” Ўрда юмушлари билан машғул мирзо бу саъисига ажаб бир маҳлиё эди. Адиб айни шу лавҳада қаҳрамонлар кўнгил кечинмаларини бор бўйи-басти, ҳаётбахшлиги билан намоён эта олган:

“Раънонинг ҳам кўзи унга тўқнашиб, бироз бир-бирларига кулимсираган ҳолда тикилишдилар...

– Нега тўхтатдингиз, ёза беринг!”,

Мирзо Анварнинг қалам тутган қўллари ўрдада тайёрланадиган хон ёрлиқлари, вақф харажатлари, турли олиқ-солиқларга оид хат-ҳужжатлар битигини эмас, денгиз соҳилида гувранаётган асов тўлқинлар мисоли саркаш, айни чоғда тонг шамолидек саррин ҳисларни қоғозга тушира бошлади:

“Агар Фарҳодни Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,

Насиб ўлмиш менга гулшанаро гулларнинг “Раъно”си”.

Фақулодда шаффоф, кўнгилдаги бор назокатни назм йўлида маржон доналаридек тера олинган бу сарсатрларнинг мантиқий давоми Раъно томонидан давомланади:

“Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг Жунунидан,

Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлини Мирзоси”.

Романда бундан кейин юракни ҳаприқтирадиган гўзал лавҳа учрамайди. Абдураҳмон домланинг кирдикорлари, Султоналининг ҳибсга олинишига оид лавҳалар ўқувчида ўкинч уйғотади. Икки ёшнинг пок севгиси зулматли кунлар қаърига чўмаётган бир паллада Раънонинг жасорати туфайли хавф бартараф этилади. Аммо Раъно гулига хос бўлган бадиий ўйноқилик асарнинг сўнгги бобларигача ўқувчи шуурини бир баҳя бўлса-да, тарк этмайди.

Хидирали ПАНЖИЕВ.

ЎҚУВЧИГА УЯЛИ ТЕЛЕФОН КЕРАКМИ?



Кўчада тўпланиб олиб, нималарнидир қизиқиб томоша қилаётган бир гуруҳ мактаб ўқувчиларининг олдидан бефарқ ўтиб кета олмадим. Яқинроқ бориб қарасам, у на бир китоб, на бир қизиқарли расм, балки қимматбаҳо уяли телефон. Ўртоқлари телефонига ҳавас билан қараётганини кўрган болакай эса гўё бирор фандан «беш» баҳо олгандек хурсанд.

Мобил телефонларнинг қулайлиги ва имкониятларининг кенглиги, турмушимиздаги ўрни хусусида алоҳида тўхталишга ҳожат йўқ. Аммо кейинги пайтда унинг мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам урф бўлаётгани кишини ўйлантиради. Келинг, мазкур мавзу юзасидан бир мулоҳаза юритайлик. Бир қарашда уяли телефон ота-оналарнинг фарзандларидан хавотир олмасликларию, тергаб, суриштириб туришлари учун бир воситадай туюлади. Бироқ кўпинча болалар телефонни дарс вақти ўчириб қўйиш ва зарур бўлгандагина танаффус пайти сўзлашиш кераклигини унутиб қўяди.

Тарих фани ўқитувчиси Дилором Аҳмедова шундай деди:

– Аслида ўқувчи мактабга телефон олиб келиши мумкин эмас. Чунки дарс вақтидаги телефон қўнғироғи, қолаверса, ундаги турли ўйинлар, мусиқалар ўқувчининг ва синфдошларининг фикрини чалғитади. Буларнинг бари болада диққатни жамламасликка, хотира тизимининг беқарорлашиши ҳамда хотиржамлик йўқолишига олиб келади. Боладаги бу каби бесарамжонлик ўқитувчи дарс ўтишида халақит беради. Шунинг учун ҳам биз бу ҳолатларни назорат қилиб борамиз ва мажлисларда ота-оналарга буни уқтиришга ҳаракат қиламиз. Иложи борича боланинг қўлига телефон бермасликларини сўраймиз.

Энди ота-оналарнинг фикрига қулоқ тутайлик.

Раъно МУҲАММАДИЕВА:

– Икки фарзандим мактабга қатнайди. Яқинда 8-синфда ўқийдиган ўғлим телефон олиб беришимизни сўради. Лекин мен ўқитувчиларнинг ота-оналар йиғинида айтган фикрлари, таклифларидан келиб чиқиб, ўғлимга телефон олиб бермадим. Унга устозларининг қарори тўғри эканлигини, телефон уни дарсдан чалғитиши, бу орқали билими пасайиб, келажак орзуларига эришишига салбий таъсир этишини тушунтирдик. Ўғлим буни тўғри қабул қилди.

Дилафрўз РАЖАБОВА:

– Ўғлим юқори синф ўқувчиси, шунинг учун унга олдий уяли телефон олиб берганмиз. Менимча, ўқувчиларга суратга, видеога оладиган, радиоси ва яна кўплаб имкониятлари бор телефонлар керак эмас. Қолаверса, болаларнинг кундалигини текшириб боргандек, телефонларини ҳам назорат қилиб бориш зарур, деб ўйлайман.

Хўш, ўқувчининг уяли телефондан фойдаланишига руҳшунос нима дейди? Келинг, социология ва психология фанлари номзоди Илҳом Дилмуродовнинг бу ҳақдаги фикрларига қулоқ тутайман.

– Телефон ўқувчи психологиясига салбий таъсир кўрсатади. Бола бу ёшда илм олиши, китобга меҳр қўйиши лозим. Ана шундай паллада унинг қўлидаги бу «буюм» билим олишга бўлган иштиёқини пасайтириб, муомала маданиятини сусайтиради. Хаёли доим телефонда бўлиб, кўп вақтини унга қаратади. Бундан ташқари уяли телефон тарқатадиган тўлқинлар, нурлар улғайиб бораётган ўсмирнинг соғлиғига зарар. Японияда уяли телефондан мактаб ҳудудида фойдаланиш тақиқланади. Бизда ҳам бу борада ўқувчиларга тушунтиришлар олиб борилиши керак.

Тошкент тиббиёт академияси қулоқ, бурун, томоқ касалликлари кафедрасининг доценти, тиббиёт фанлари номзоди Шоҳимардон Хожжановнинг фикрлари ҳам сизни бефарқ қолдирмайди.

– Ўспирин болалар телефондан қандай фойдаланиш кераклигига эътибор бермайди. Қулоғига мосламалар тақиб, эшитишлари оқибатида товушни етказиб берадиган электр тўлқинлари ички қулоқ тўқималарига зарар етказади. Бу эса эшитиш, асаб тизимининг бузилишига олиб келиши мумкин. Бу жараён катталарга нисбатан болаларга тез таъсир кўрсатади. Сабаби, бола организми ҳали тўлиқ ривожланмаган бўлади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса чиқариш ўзингизга қолди, азиз ёшлар. Бироқ муаммога биз катталар ҳам жиддий эътибор қаратишимиз, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз, телевидение орқали уяли телефондан фойдаланиш маданияти борасида ижтимоий реклама, роликлар тез-тез намойиш қилишимиз зарур. Шунда саъй-ҳаракатларимиз самара беради.

Д. РЎЗИЕВА.

КЎНГИЛ

Кўнгил. Гулдан нозик, гул баргидай нафис. У бехосдан айтилган биргина сўздан ҳам озорланиши мумкин. Одамнинг хатти-ҳаракати, гап-сўзи, қўйингки муомаласи қўполроқ бўлса ҳам кўнгил дарз кетади. Чунки ҳеч бир одамнинг, ҳатто энг бағритош кишининг ҳам кўнгли дағал бўлмайди. Шунинг учун ҳаммамиз ён-атрофимиздаги инсонларнинг кўнглини оғритиб қўймаслик учун ҳаракат қиламиз, яъни уларнинг кўнгли билан ҳисоблашамиз.

Энам бир гапни кўп такрорлар эдилар: «Бировнинг кўнглини оғритиб қўйишдан қўрқиш керак. Чунки синган шишани чегалаб бўлмагандек, дарз кетган кўнгилни ҳам асл ҳолига қайтариб бўлмайди». Ҳа, ҳақ гап. Озорланган кўнгилда кейинчалик ҳам унга озор берган инсонга нисбатан совуқлик пайдо бўлади. Аслида бундан ёмони йўқ.

Эсимда, Тошкентга келган дастлабки кунларимда кўчада икки аёлнинг жанжаллашаётганига гувоҳ бўлганман. Бу мен учун бутунлай кутилмаган ҳолат эди. Чунки гўзаллик ва нафосат тимсоли бўлган аёлларнинг тортишуви кўзимга жуда бачкана кўринган. Уларнинг бир-бирига айтаётган гаплари,.. дилимни хуфтон қилди. Ижара уйимизга етиб келгунимча титроғимни босолмагандим ўшанда. Кейинчалик ҳам бу ҳолат узоқ вақт хаёлимдан кетмади. Чунки кўнглим оғриганди... Ҳар гал шу ҳақда ўйлаганимда бир дугонамнинг гаплари ёдимга тушади.

«Ўшанда биринчи курс эдим. Бир куни эрталаб институтга кетаётиб автобусда бир йигит менга сенлаб мурожаат қилганди. Тўғриси, ўзимни йўқотиб қўяй деганман, институтда ҳам кун бўйи шу ҳақда ўйлаб юрдим. Бу мен учун жуда қўпол муносабат эди. Чунки биз тарафда – водийда ҳеч ким нотаниш киши тугул, эндигина атакчечак қилган ёш болага ҳам «сиз»лаб мурожаат қилишади-да. Ҳозир-чи, бундай муомалага кўникиб кетдим. Шунинг учунми ҳеч қачон кўнглимга олмайман...»

Орадан қанча йиллар ўтди. Ҳа, одамзот ҳамма нарсага кўникаркан, шунингдек, совуқ муомала ва қўпол муносабатга ҳам! Аслида кўнгил олишдан осони йўқ... Баъзан кўнгил нозиклиги ёлғон экан-да, деб ўйлаб қоламан. Шундай пайтда қалбимдаги бир илинж хаёлларимни шамолдай тўзғитиб юборади: одамлар дағал муносабатга кўникмасинлар, қўпол ва хунук сўзларни айтишга ор қилсинлар. Чунки инсон табиатида яхши сўзга, ширин муомалага эҳтиёж бор. Шунинг учун ҳам ширин муомалали инсонларни барча бирдек яхши кўради, ҳурмат қилади, ундан ўрнак олади.

Шундай экан, нега бир-биримиздан биргина ширин сўзни, майин табассумни аяймиз. Руҳиятимиздаги, кўнгилимиздаги яхшиликка бўлган ташналик қондирилса, у ҳеч қачон дағаллашмайди. Зотан, инсонийликка даъвогарликнинг энг муҳим шарти ҳам кўнгил нозиклигидир. Кўнгил нозиклиги йўқолмасин!

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.

СПОРТ

Оғир атлетика

ЁШ ИҚТИДОРЛАР КАМОЛОТИ


Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси шу кунларда Жанубий Кореянинг Гоянг шаҳрида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида иштирок этаётган бўлса, ёшлар ва ўсмирлар терма жамоамиз декабрь ойида Ҳиндистонда ва ўз навбатида 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказиладиган Осиё чемпионати ҳамда Осиё ўйинларига ҳозирлик кўраяпти. Терма жамоаларимиз таркибида Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ҳам бор.

Юртимиз оғир атлетикачилари сўнгги йилларда халқаро майдонда яхши натижаларга эриша бошлади. Айниқса, жуда кўплаб иқтидорли ёшларнинг пайдо бўлаётгани қувонарли ҳол. Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси Лондонда ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига пухта ҳозирлик кўриш, спортчиларни дунёнинг биринчи рақамли мусобақасига босқичма-босқич тайёрлаб бориш мақсадида турли чора-тадбирларни амалга ошираётгани ҳам юртимиз спорт мухлисларига манзур бўлмоқда. Бу яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича катталар ва ёшлар ўртасидаги Осиё кубоги баҳсларида ҳам яққол кўзга ташланди. Ёш спортчиларимиз қитъа кубоги учун баҳсларда нафақат Осиёда, балки дунё бўйича етакчилардан саналадиган эронликлар қатори юқори натижаларга эришишди. Эндиликда терма жамоамизга мураббийлик қилиш бир қатор Олимпиада ва жаҳон чемпионларининг устози бўлган туркиялик Жафер Топчу ҳамда тажрибали мутахассисларимиздан бири Баҳром Абдумаликовга ишониб топширилганки, бу ҳам Ўзбекистон оғир атлетика федерациясининг узоқни кўзлаб қилинган ишларидан бири дейиш мумкин.

Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё кубоги учун кечган баҳсларда Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ҳам яхши натижалар кўрсатишди. Хусусан, МҲСК спортчиси Руслан Нуриддинов 85 кг. вазн тоифасида олтин медалга эришди. У даст кўтариш машқида 143 кг., силтаб кўтаришда эса 178 кг. натижа қайд этди.

– Руслан келажакда жуда маҳоратли спортчи бўлиб етишиши мумкин, бу кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ, – дейди ёшлар терма жамоамиз мураббийи Ойбек Турғунов. – Негаки, оғир атлетика қатъий интизом, овқатланиш тартиби, тинмай изланиш ва интилувчанликни талаб этади. Русланнинг интилувчанлик хусусияти яхши. Боз устига баланд бўйли, шу боис вазнини яна ошириш имконига эга. Мен унинг келгусида янада юқори муваффақиятларга эришишига ишонаман. Эндиликда ёшлар терма жамоамиз ва Жўрабек Зоиров устозлик қилаётган ўсмирлар терма жамоамиз 10 декабрда Ҳиндистонда бошланадиган Осиё чемпионатига ҳозирлик кўраяпти. Мақсадимиз қитъа чемпионатида юртимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиш. Шундан сўнг 2010 йилда Сингапурда ўтказиладиган биринчи ёшлар Олимпиадасида қатнашамиз. Унда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, совринларни ва Олимпиада ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритишни режалаштирганмиз. Асосий мақсадимиз ёш спортчиларимизни Лондон–2012 Олимпиада ўйинларига босқичма-босқич тайёрлаб бориш.

Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё кубоги учун кечган баҳсларда Марказий ҳарбий спорт клуби вакилларидан икки нафари шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди. 105 кг. вазн тоифасида Ғиёсиддин Аҳмедов, 69 кг. вазн тоифасида Бобомурод Чашемов терма жамоамиз ҳисобига кумуш медалларни келтирди. Мутахассислар МҲСК спортчиси Бобомурод Чашемовнинг келажагига ҳам катта умид билдиришмоқда. Бобомурод спортчилар оиласидан, аниқроғи олти акаука айнан спортнинг оғир атлетика тури билан шуғулланади. Гарчи бугунги кунда тўрт нафар акаси – Нурмурод, Мақсет, Элмурод ва Даврон катта спорт майдонини тарк этишган бўлса-да, акаси Мансурбек фаолиятини давом эттираяпти. Теннисга хос ифодалаганда Мансурбек бугунги кунда Ўзбекистоннинг биринчи рақамли оғир атлетикачиси, Осиё чемпиони, мустақиллигимизнинг 18 йиллик тўйи арафасида Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. Мутахассислар Бобомуроднинг етук спортчи бўлиб камол топишига оилавий муҳит ва акаси билан ўртасидаги рақобат туртки беришига умид билдиришмоқда. Зеро, ҳар иккисининг орзуси



юртимиз паҳлавонлари довруғини оламга ёйиш, Олимпиада чемпиони бўлиш.

МҲСК вакилларидан яна бири Субҳон Қобилов ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё кубоги учун кечган 77 кг. вазнлилар баҳсида бронза медалини қўлга киритди. Биз санаб ўтган МҲСК ёш оғир атлетикачиларидан Руслан Нуриддинов бугунги кунда миллий терма жамоамиз машғулотларига жалб этилган бўлса, қолганлари ёшлар ва ўсмирлар терма жамоаларимиз аъзолари билан бирга шуғулланмоқда. Ўйлаймизки, улар мураббийлар ишончини қозонади ва 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинлари майдонида биз бу ёш иқтидор соҳибларини ҳам кўрамиз.

Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Байдарка ва каноэ

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Техронда ўтказилган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионатида қитъанинг 24 мамлакатидан 600 нафарга яқин спортчи қатнашди. Ўзбекистон терма жамоаси жами 9 та олтин, 10 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритди. Бу муваффақиятга Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ҳам ўзларининг муносиб улушини қўшишди.



Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионати баҳслари эркаклар, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ташкил этилди. Қитъа биринчилигида эркакларга нисбатан аёллар терма жамоамиз аъзолари фаоллик кўрсатишди. Улар байдарка ва каноэда эшкак эшиш баҳсларининг тўртта йўналишида ғолиб чиқишди. Эркаклар ҳам терма жамоамиз ҳисобига шунча олтин медаль олиб келишди, лекин кумуш медалларни қўлга киритиш борасида аёл спортчиларимиздан ортда қолишди. Аёллар терма жамоамиз аъзолари қитъа чемпионатининг 3 та кумуш ва 2 та бронза медалини, эркаклар эса 2 тадан кумуш ва бронза медални қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида аёллар терма жамоамиз иккинчи ўринни эгаллади, эркаклар эса қитъа миқёсида учинчи бўлишди. Қолган 10 та медаль, яъни битта олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза ёшлар ўртасидаги баҳсларда қўлга киритилди.

Марказий ҳарбий спорт клуби вакилларидан шартнома бўйича хизмат оддий аскари Мария Мехеда ва шартнома бўйича хизмат оддий аскари Вячеслав Горн бошқа жамоадошларига кўра кўпроқ шоҳсупага кўтарилишди. Мария Мехеда Осиё чемпионатининг 3 та олтин ва 2 та бронза медалига сазовор бўлди. У дастлаб байдаркада эшкак эшиш бўйича 5000 метр масофалик пойганинг жуфтлик баҳсларида терма жамоадоши Виктория Петришчина билан бирга ғолиб чиқди. Сўнг 500 ва 200 метр масофага тўртликлар пойгасида бош соврин соҳиби бўлди. Юлия Борзова, Мария Мехеда, Виктория Петришчина ва Елена Шубинадан иборат юртимиз байдаркачилари бу баҳсларда маррани биринчи бўлиб кесиб ўтишди. Бу ғалабаларга МҲСК аъзоси ўзининг муносиб улушини қўшди ҳамда жамоадошлари қатори олтин медалга сазовор бўлди.

Аёллар ўртасида 200 метр масофага жуфтликлар ва 1000 метр масофага тўртликлар пойгаларида Ўзбекистон байдаркачилари маррага учинчи бўлиб етиб келишди. Мазкур жуфтлик ва тўртлик аъзоларидан бири МҲСК вакили Мария Мехеда эди. Дарвоқе, қитъа биринчилигининг байдаркачилар баҳсида МҲСКнинг яна бир вакили, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ольга Умаралиева ҳам совриндор бўлди. У Ю. Борзова, М. Мехеда, К. Полунина билан бирга бир километрлик масофага аёллар ўртасидаги тўртликлар баҳсида юртимиз вакиллари байдаркаси маррага учинчи бўлиб етиб келишига ўзининг муносиб улушини қўшди ва чемпионатнинг бронза медали билан тақдирланди.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Вячеслав Горн эса байдаркада эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионатининг 2 та олтин ва битта бронза медалини қўлга киритди. У яккаликлар ўртасида кечган беш километрлик масофага эшкак эшиш баҳсларида маррани учинчи бўлиб кесиб ўтди. Олтин медалларга эса Мария Мехеда каби тўртлик баҳсларида сазовор бўлди. Аъзоларидан бири Вячеслав Горн бўлган Ўзбекистон байдаркачи тўртлиги 500 ва 200 метр масофа бўйича баҳсларда маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Дунёда ном қозонган бир қатор етакчи каноэчиларимиз терма жамоамиз таркибида йўқлиги, маҳоратлари шаклланиб келаётган ёш истеъдодларга имкон бериш мақсадида бу галги қитъа биринчилигига бормаганлиги барибир сезилди. Буни Осиё чемпионатида каноэчиларимиз байдаркачиларга нисбатан камроқ медалларни қўлга киритганлигидан ҳам билиш мумкин.

Ёшлар ўртасида ўтказилган қитъа чемпионатида МҲСК каноэчиларидан Антон Морозов ва Филипп Морозов Ўзбекистон терма жамоаси таркибида иштирок этди ва юртимизга совриндор бўлиб қайтишди. Улар каноэда эшкак эшишнинг 500, 1000 ва 5000 метр масофа бўйича жуфтлик баҳсларида маррага иккинчи бўлиб етиб келишди ва терма жамоамиз ҳисобидаги кумуш медалларни учтага бойитишди.

Р. ЭРМУҲАММЕДОВ.

Теннис

МҲСК ВАКИЛИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Туркманистон пойтахти Ашхободда теннис бўйича иккита халқаро турнир ўтказилди. Юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилган Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ҳар икки турнирда ҳам совриндор бўлишди.

МҲСК вакили Муҳаммад Аҳмад Жамол ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирнинг яккалик баҳсларида муваффақиятли қатнашди. Бу йил бир қатор халқаро турнирларда зафар қозонган, шунингдек, ўсмирлар терма жамоамизнинг Малайзия ва Янги Зеландия терма жамоаларини мағлубиятга учратиб, Осиё ва Океания минтақасидан жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланмани қўлга киритишига ўзининг муносиб улушини қўшган МҲСК вакили Муҳаммад Аҳмад Жамол Туркманистонда ҳам яхши ўйин кўрсатди. Ўсмирлар ўртасида ташкил этилган халқаро турнирда у дастлабки тўрт рақиби билан кечган ўйинларда сезиларли устунликка эришди ва ғалаба қозонди. Финал баҳсида эса ҳамюртимиз рақибига имкониятни бой бериб, турнирнинг кумуш медали билан тақдирланди.

Ашхободда яна бир теннис турнири – ёшлар ўртасида Марказий Осиё чемпионати ўтказилди. Унда МҲСКнинг ёш ва истеъдодли теннисчиларидан бири – ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони Арина Фольц ҳам иштирок этди ва икки марта зафар қозонди. У дастлаб жуфтлик баҳсларида, сўнг яккалик баҳсларида ғолиб чиқиб, бош совринларни қўлга киритди ва Марказий Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлди.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.



СПОРТ

Осиё ўйинлари–2009

БУ САФАР 24 ТА МЕДАЛЬ ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ёпиқ иншоотлардаги спорт турлари бўйича 3-Осиё ўйинлари ўз ниҳоясига етди. Қитъанинг қирқдан ортиқ мамлакати вакиллари спортнинг 23 тури бўйича ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Ўзбекистон терма жамоаси жами 24 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида кучли ўнликдан жой олди. Терма жамоамиз таркибида қитъа ўйинларида қатнашган Марказий ҳарбий спорт клуби вакилларидан олти нафари совриндор бўлди.

Ёпиқ иншоотлардаги 3-Осиё ўйинларида терма жамоамиз ҳисобига дастлабки медални қисқа масофага югуриш бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони Гўзал Хуббиева олиб келди. У хотин-қизлар ўртасида кечган 60 метрга югуриш бўйича баҳсларда 07.39 сония натижа билан маррага вьетнамлик Ву Тай Хуонгдан (07.24 сония) сўнг иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медални қўлга киритди. Шундан сўнг юртимиз спортчилари орасидан Марказий ҳарбий спорт клуби енгил атлетикачилари катта саҳнага чиқишди. Аввалига кичик сержант Надия Дўсанова баландликка сакраш бўйича баҳсларда ғолиб чиқиб, 3-Осиё ўйинларининг олтин медалини қўлга киритди. Бунинг учун Надияга 1 метр 93 сантиметрлик баландликни забт этиш кифоя қилди. Ваҳоланки, спортчимиз сўнгги пайтдаги машғулотларида 1.95 метр баландликдан бемалол ошиб тушаётган эди. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу борада Осиё рекорди ҳам айнан унга тегишлидир. У 1.98 метр натижани 2008 йилнинг ёзида Литвада қайд этган.


Мусобақаларнинг учинчи куни МҲСКнинг яна бир вакили – Юлия Тарасова ҳам совриндор бўлди. У узунликка сакраш баҳсларида 6.45 метр натижа кўрсатди. Бу унга 3-Осиё ўйинларининг кумуш медалини тортиқ этди.

Бу йил ўнга яқин халқаро мусобақаларнинг ғолиб ва совриндори бўлган кичик сержант Леонид Андреев Вьетнамда ҳам шоҳсупага кўтарилди. Гарчи у ҳам Надия каби 3-Осиё ўйинларида ўз имконияти даражасидаги натижани кўрсатолмаган бўлса-да, лангарчўп ёрдамида 5.60 метр баландликдан ошиб тушиши олтин медални қўлга киритиши учун етарли бўлди. Баҳсларни барчадан олдин якунлашган енгил атлетикачиларимиз 3-Осиё ўйинларининг тўртинчи куни Вьетнамни тарк этиб, Хитойга йўл олишди. Айни кунда улар бу мамлакатда ўтказилаётган қитъа биринчилигида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилишяпти. Терма жамоамизнинг негизини МҲСК вакиллари ташкил этади.

Енгил атлетикачилардан сўнг МҲСКнинг яна бир спортчиси Вьетнамда муваффақият қозонди. У ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари дастуридан илк бор ўрин олган янги спорт тури – кураш беллашувларида содир бўлди. 85 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Шароф Холмаматов барча рақибларининг елкасини ерга тегизиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шундай қилиб, 3-Осиё ўйинларида юртимиз спортчилари томонидан қўлга киритилган 5 та олтин медалнинг учтаси МҲСК вакиллари ҳисобига ёзилди.

Армиячиларимиз муайтай баҳсларида ҳам совриндор бўлишди. Хусусан, МҲСК вакили Фирдавси Холмуратов 60 кг.гача вазнлилар ўртасидаги баҳсларда кумуш медални қўлга киритган бўлса, халқаро тоифадаги спорт устаси Шерзод Шариповга (57 кг.гача) бронза медаль насиб этди.

Умуман олганда, ҳамюртларимиз бу гал ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари тарихидаги ўзларининг энг сермаҳсул натижасини кўрсатишди. Эслатиб ўтамиз, мазкур ўйинлар 2005 йилдан буён икки йилда бир марта ўтказиб келинмоқда. Юртимиз спортчилари мазкур ўйинларнинг барчасида иштирок этишди. Илк марта Таиландда ўтказилган мусобақаларда вакилларимиз 22 та медални қўлга киритишган эди. 2007 йили Макаода ўтказилган мусобақаларда эса спортчиларимиз кам таркибда қатнашишди ва 6 та медаль билан кифояланишди. Бу йил ҳам юртимиз вакиллари 3-Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олган 23 та спорт турининг фақат ўнта тури бўйича баҳсларида иштирок этиб, медаллар учун кураш олиб боришди ва 5 та олтин, 9 та кумуш, 10 та бронза, жами 24 та медални қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида вакилларимиз ўнинчи, биз каби айрим спорт турлари бўйича мусобақаларда қатнашган японияликлар 4 та олтин, 9 тадан кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлиб, ўн биринчи ўринни эгаллашди. Бу борада Хитой спортчилари ҳар доимгидек пешқадамлик қилишди. Улар ёпиқ иншоотлардаги 3-Осиё ўйинларининг 48 та олтин, 25 та кумуш ва 19 та бронза, жами 92 та медалига эга бўлишди. Мусобақа мезбонлари – вьетнамликлар қўлга киритилган медаллар умумий сони бўйича хитойликларни ортда қолдиришган бўлса-да (жами 93 та медаль), олтин медаллар борасида уларга етишолмади – 42 та олтин, 30 та кумуш, 21 та бронза. Шуни таъкидлаш жоизки, бу мамлакат вакиллари дастурдаги барча 23 спорт тури бўйича баҳсларда иштирок этишди. Медалларнинг асосий қисмини улар каббади, петанк, сепактакро, шатл-кок, вовинам, шер ва аждаҳо рақси, пенчак-силат, боулинг, хитой шахмати каби юртимизнинг кўплаб спорт мухлислари учун ҳам ҳали нотаниш бўлган спорт турлари бўйича қўлга киритишди. Дарвоқе, 3-Осиё ўйинларида яна бир янги спорт тури – жиу-житсу қатнашчилар учун намойиш этилди. Мазкур спорт тури ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган навбатдаги Осиё ўйинлари дастурига киритиладиган бўлди.



Ёпиқ иншоотлардаги 3-Осиё ўйинларида юртимиз спортчилари томонидан қўлга киритилган медаллар

Олтин:

1. Енгил атлетика: Надия Дўсанова (баландликка сакраш).
2. Енгил атлетика: Леонид Андреев (лангарчўпда сакраш).
3. Сузиш: эстафета 4х100 м. Даниил Тулупов, Данил Бугаков, Дмитрий Швецов, Петр Ромашкин.
4. Кураш: Шароф Холмаматов (85 кг.).
5. Кураш: Наргиза Ҳамдамова (63 кг.).

Кумуш:

1. Енгил атлетика: Гўзал Хуббиева (60 метрга югуриш).
2. Енгил атлетика: Юлия Тарасова (узунликка сакраш).
3. Сузиш: 50 м.га чалқанча. Данил Бугаков.
4. Сузиш: 50 м.га эркин усулда. Даниил Тулупов.
5. Сузиш: 100 м.га эркин усулда. Даниил Тулупов.
6. Сузиш: эстафета 4х50 м. Даниил Тулупов, Данил Бугаков, Дмитрий Швецов, Петр Ромашкин.
7. Кураш: Ўктам Бобоев (73 кг.).
8. Муайтай: Фирдавси Холмуратов (57 - 60 кг.).
9. Компьютер ўйинлари: Counter Strike 1.6. Ўзбекистон терма жамоаси (Дилшод Мажидов, Дониёр Шомузаффаров, Лазиз Олимжонов, Ниёз Ибрагимов, Ришат Гиздельханов, Сардорбек Абдуллаев, Темур Низомов, Томас Ясюкавичус).

Бронза:

1. Мини-футбол: Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси (дарвозабонлар: Бекзод Ҳасанов, Тўйчибой Бердиев, Леонид Гриднев. Ўйинчилар: Шуҳрат Тожибоев, Хуршид Тожибоев, Мақсуд Файзуллаев, Артур Юнусов, Умид Холматов, Нодир Элибоев, Дилшод Ирсалиев, Жамолиддин Шарипов, Фахриддин Самитов, Шавкатбек Муҳиддинов, Баҳодир Аҳмедов. Бош мураббий – Сержио Сапо).
2. Тезкор шахмат: Ўзбекистон терма жамоаси (Антон Филлипов, Жўрабек Ҳамроқулов, Нафиса Мўминова, Нодира Нодиржонова, Ольга Собирова).
3. Муайтай: Шерзод Шарипов (57 кг.).
4. Муайтай: Артур Қодирқулов (71 кг.).
5. Пенчак-силат: Надира Казакова (60-65 кг.).
6. Пенчак-силат: Фахриддин Шермуҳамедов (65-70 кг.).
7. Кураш: Элбек Очилов (66 кг.).
8. Сузиш: 50 м.га эркин усулда. Данил Бугаков.
9. Компьютер ўйинлари: Need for Speed. Сардорбек Абдуллаев.
10. Компьютер ўйинлари: Dota Allstars. Ўзбекистон терма жамоаси (Дилшод Мажидов, Дониёр Шомузаффаров, Лазиз Олимжонов, Ниёз Ибрагимов, Ришат Гиздельханов, Сардорбек Абдуллаев, Темур Низомов, Томас Ясюкавичус).

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҚАЙДНОМА

ЮНОН-РУМ КУРАШИ. Новосибирскда А. Карелин совриниучун ўтказилган халқаро турнирда юртимиз спортчилари ҳам иштирок этди. Марказий ҳарбий спорт клуби вакили Жасур Абдурасулов финалга қадар муваффақиятли беллашди ва мазкур турнирнинг кумуш медалини қўлга киритди.

КУРАШ. Украинада ўтказилган аёллар ва эркаклар ўртасидаги жаҳон чемпионати беллашувларида терма жамоамиз аъзолари жами тўртта олтин, еттита кумуш ва битта бронза медални (шундан учтасини Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари) қўлга киритишди. Жумладан, Шароф Холмаматов 81 кг. вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, турнирнинг олтин медалига сазовор бўлди. МҲСКнинг яна икки нафар вакили – Суҳроб Худойбердиев (48 кг.) ва Муқаддас Кубиева (66 кг.) фақат финал баҳсида мағлуб бўлиб, кумуш медаль билан тақдирланишди.

ЭРКИН КУРАШ. Россиянинг Красноярск шаҳрида уч карра олимпия чемпиони Бувайсар Сайтиев совриниучун 16-18 ёшдаги ўсмирлар ўртасида бешинчи халқаро турнир ўтказилди. Ҳамюртларимиздан Муҳаммадсиддиқ Жўраев (58 кг.) халқаро турнирнинг кумуш, Бобур Раҳимов (85 кг.) бронза медалини қўлга киритди. 85 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан иқтидорли полвонларимиздан яна бири Субҳон Тошпўлатов эса барча рақибларини мағлуб этди ва турнирнинг энг яхши тўрт нафар курашчиларидан бири деб топилди. Шу тариқа у уч карра олимпия чемпиони қўлидан турнир олтин медалидан ташқари «Жигули» автомобилининг калитини ҳам қабул қилиб олди.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА. Қозоғистонда ўтказилган Осиё чемпионатида аёллар терма жамоамиз муваффақиятли иштирок этиб, шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди. Ульяна Трофимова, Жамила Раҳматова, Комила Тўхтаева ва Вероника Есиповага қитъа биринчилигининг бронза медаллари топширилди.

БОКС. Толдиқўрғон шаҳрида ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Унда қатнашган умидли боксчиларимиздан тўрт нафари совриндор бўлди. Фирдавс Собиров кумуш, Бургут Ҳожибоев, Муродбек Ҳасанов ва Аҳмад Асқаров бронза медални қўлга киритди.

ФУТБОЛ. Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) 2009 йилнинг энг машҳур футболчисини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказмоқда. Халқаро ташкилот дунёнинг 68 мамлакатидан 115 нафар футболчи номзодини танлаб олиб, энг машҳурини аниқлаш учун футбол мухлислари ва мутахассислари ўртасида овозга қўйган. Шу кунгача 5 минг нафардан ортиқ мухлис Осиёнинг 2008 йилги «Энг яхши футболчиси», деб «Бунёдкор» ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров учун овоз беришган. У ҳозирча 32-ўринда бораётган Россия терма жамоаси ва Қозоннинг «Рубин» клуби вакили Сергей Семакдан сўнг 33-рейтинг кўрсаткичига эга бўлиб турибди. Россия терма жамоаси ва Англиянинг «Арсенал» клуби вакили Андрей Аршавинга эса 200 минг футбол фанатлари овоз берган ва у машҳурлар рўйхатида тўртинчи ўринда бормоқда. Футбол мухлислари ва мутахассисларининг www.iffhs.de сайти орқали овоз бериши 2 январга қадар давом этади ва унга сиз ҳам қўшилишингиз мумкин.

* * *

14 ва 18 ноябрь кунлари Ўзбекистон терма жамоаси 2011 йилги Осиё чемпионатига саралаш ўйинлари доирасида иккита учрашувни ўтказади. Уйда ва меҳмонда ўтказиладиган икки учрашувда ҳам вакилларимизга Малайзия терма жамоаси рақиб бўлади. Терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов мазкур муҳим учрашувларга хорижда тўп сураётган футболчиларимиздан фақат «Богемианс» (Чехия) клуби аъзоси Азиз Ибрагимов ва «Днепр»да тўп сураётган Виталий Денисовни жалб этди. Таркибда сезиларли ўзгаришлар ҳам бор, яъни шу пайтгача терма жамоага жалб этилмаган беш нафар футболчи тайёргарлик машғулотларида қатнашяпти.

ТЕННИС. Қозоғистон пойтахти Остонада мукофот жамғармаси 125 минг долларлик халқаро турнир ўтказилди. Сўнгги пайтдаги муваффақиятли ўйинлари туфайли жаҳон теннисчилари рейтингидаги ўрнини сезиларли даражада юқорилатишга эришган ҳамюртимиз Денис Истомин мазкур турнирнинг биринчи ракеткаси сифатида иштирок этди. Теннисчимиз дастлабки учрашувини россиялик Илья Беляевга қарши ўтказиб, 6:2, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди. Лекин кейинги учрашувда украиналик Илья Марченкога ютқазиб қўйди. Турнир финалига қадар етиб борган украиналик теннисчи ҳал қилувчи учрашувда мезбонлар вакили А. Голубевга 6:3, 6:3 ҳисобида имкониятни бой берди.

МАДАНИЯТ

«ҚИЗАЛОҚ» БОЛАЖОНЛАР ҲУЗУРИДА



Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги болалар боғчасида «Янги авлод ғунчалари» номли маданий-бадиий тадбир бўлиб ўтди. Унинг ўзига хос томони шундаки, болажонлар ҳузурига деярли ўзларининг тенгдошлари бўлган «Қизалоқ» болалар миллий рақс дастасининг иқтидорли аъзолари келишди. Бундан кўзланган мақсад боғча тарбияланувчиларига ўз иқтидору имкониятларини намойиш этиш.

Мудофаа вазирлиги Марказий офицерлар саройи қошида ташкил этилган «Қизалоқ» рақс дастаси ҳақида газетамиз саҳифаларида кўп бора мақолалар эълон қилинган. Айтмоқчимизки, ушбу даста мухлисларимизга яқиндан таниш. Бугунги кунга келиб кўриб турганингиздек, санъатга меҳри баланд қизалоқлар тўгаракда эгаллаган рақслари, иқтидорларини юзага чиқариш учун катта имкониятга эга бўлишди. Уларнинг бундан қувончи чексиз. Нега деганда саҳнада, мухлислар эътибори ва олқишлари остида ўз санъатини намойиш этишнинг гашти ўзгача-да. Шунинг баробарида уларнинг иқтидори ўзига хос синовдан ҳам ўтади, десак янглишмаймиз.

– «Қизалоқ» рақс дастаси иштирокчилари илк маротаба ўз санъатларини намойиш этишаяпти, – дейди қизларга рақс сирларидан сабоқ бериб келаётган Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли етакчи раққосаси сержант Нигора Тошматова. – Улар бундан жуда хурсанд. Кўриб турганингиздек, мухлислар олдида ҳам берилиб рақс ижро этишаяпти. Дастуримиз боғча тарбияланувчи ва ходимларига манзур бўлди, деб ўйлайман. Шунингдек, ушбу дастурни ташкил этишда Марказий офицерлар саройи маданият бўлими ходимлари Назокат Абдураҳмонова ва Феруза Карабаевалар алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Бу тадбирни дастамиз қизалоқлари иштирокида Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги бошқа мактабгача таълим муассасаларида ҳам ўтказишни режалаштирганмиз.

Берилиб рақс тушаётган қизалоқлар ва уларни завқланиб томоша қилаётган тарбияланувчиларга эътибор бераман. Бир қарашдаёқ улардаги ҳаяжон ва санъатга бўлган муҳаббатни англаш қийин эмас. Айниқса, ушбу қувноқ даврани сўзамаллик билан олиб бораётган ансамбль сухандони сержант Баҳромжон Маҳмудовнинг ўзига хос санъати, тадбир давомида болалар ўртасида ўтказган қизиқарли беллашувлари тантанага янада кўтаринки руҳ бахш этди.

Раққоса қизалоқларнинг ҳар бир чиқишини меҳр билан кузатиб турган болажонларни суҳбатга тортаман.

– Менга қизлар ижро этган хоразмча рақс жуда ёқди, – дейди тарбияланувчи Элбек Абдуқодиров. – Либослари ҳам жуда чиройли экан.

– Мен эса уларнинг «Ковушим» қўшиғига тушган рақсини мазза қилиб томоша қилдим, – суҳбатга қўшилади Комила Қосимжонова.

– «Болари», «Жўжалар» қўшиғининг рақсига ҳам яхши тушишди. Айниқса «Андижон полкаси»га ўйнашганида барча болаларнинг рақс тушгиси келиб кетди, – фикрларини болаларча соддалик ила баён қилади Диёра Абдуллаева.

– Боғчанинг тарбияланувчилари учун «Қизалоқ» миллий рақс дастасининг тайёрлаб келган махсус дастури жуда манзур бўлди, – дейди услубчи Людмила Эсонова. – Бундай тадбирлар болаларга кўтаринки руҳ бахш этади, шубҳасиз. Шунингдек, уларнинг санъатга бўлган қизиқиши, иқтидори юзага чиқишига ҳам замин яратади. «Қизалоқ» гуруҳига ўз миннатдорчилигимизни билдирган ҳолда, уларнинг ижодий фаолиятига катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Зарина НИШОНОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Обуна–2010

«ВАТАНПАРВАР» — БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий меросларини, қадриятлари, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи — 114.



ВАТАНПАРВАР

Муассис — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель — Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ — кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: капитан Ё. ҲАКИМОВ, В. КАЛОШИН.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 24000.

Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-84-08.